

Таҳрир ҳайъати раиси

Б. Сайитқулов – в.ф.н.

Таҳрир ҳайъати:

Ж.Азимов – академик
 Х. Юнусов – СамВМИ ректори
 Б.Норқобилов – ДВҚ раиси
 А.Орипов – профессор
 Ҳ.Салимов – профессор
 Б.Салимов – профессор
 Р.Давлатов – профессор
 Қ.Норбоев – профессор
 А.Қахаров – профессор
 А.Даминов – в.ф.д.
 Б.Нарзиёв – в.ф.н.,
 Н.Дилмуродов – в.ф.д.
 Ш.Жабборов – в.ф.д.
 Н.Йўлдошев – в.ф.д.
 Х.Ниёзов – в.ф.д.
 Х.Бозоров – в.ф.н.
 Ғ.Менглиев – в.ф.н., доцент

**Бош муҳаррир вазифасини
бажарувчи:**

Ғайрат МЕНГЛИЕВ

Муҳаррир:

Мактуба МҶМИНОВА

Мусахҳих:

Гулсара САЙИТҚУЛОВА

Дизайнер:

Ҳусан САФАРАЛИЕВ

2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:

Ўзбекистон Республикаси
 Давлат ветеринария кўмитаси
 Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
 Давлат ветеринария кўмитаси,
 «AGROZOOVETSERVIS»
 масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
 агентлигида 2018 йил 2 февралда
 0284-рақам билан рўйхатга олинган

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри,
 Усмон Носир, 22 А/Я: 5628.

Таҳририят манзили: 100084, Тошкент
 шаҳри, Халқобод 4-тор, 4-уй
 Тел.: + (95) 170-22-35
 (71) 234-77-22

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

Адади 4300.

Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 27.03.2019.
 Бичими 60x84¹/₈. Офсет усулида чоп
 этилди. 6,0 б.т. Буюртма № 414.

Баҳоси келишилган нарҳда.
 © Veterinariya meditsinasi, #03 (136) 2018

“SANO-STANDART” МЧЖ
 босмахонасида чоп этилди.
 100190, Широқ кўчаси, 100.

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

| | |
|--|----|
| Хуш келдинг, кўклам! | 3 |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони | 4 |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори | 6 |
| М.Мўминова – Ҳамкорлик истикболлари | 10 |
| – Жойларда идентификация ишлари | 11 |
| Барчамиз масъулмиз | 12 |
| Таҳририят ходимлари СамВМИда учрашув ўтказди | 14 |

Юқумли касалликлар

| | |
|--|----|
| Р. Урақова ва бошқ. – Браздот хавfli касаллик | 15 |
| И.Салимов, А. Дусанов – Бузоқларда экспериментал корасон касаллигининг клиник белгилари ва патологоанатомик ўзгаришлари | 16 |
| Б.Элмуродов, М. Алламуродова – Кўзилар диплококкоз касаллиги | 18 |
| М.Н.Маматова ва бошқ. – Сравнительная оценка лабораторной диагностики бешенства животных | 20 |

Паразитар касалликлар

| | |
|--|----|
| Б.Норқобилов и др. – Особенности эпизоотологии шистосомоза крупного рогатого скота в зоне приаралья | 22 |
| О.Орипов – Госсипренли озуқавий кўшимчанинг парранда (жўжалар) ҳаётчанлиги ва гематологик кўрсаткичларига таъсири | 25 |
| Р. Давлатов ва бошқ. – Курка аскаридиозининг тарқалиши ва янги антгельминтикларни қўллаш | 27 |

Юқумсиз касалликлар

| | |
|--|----|
| В.Абдумажитов, Б.Эшбўриев – Сигирларда ошқозон олди бўлимлари дистонияларида кечадиган биокимёвий жараёнлар | 29 |
| Б.Бакиров, О.Бобоев – Совлиқларни диспансерлаш | 30 |

Ветеринария-санитария экспертиза

| | |
|--|----|
| Ф.Ибрагимов ва бошқ. – Балиқ унининг ветеринария-санитария экспертизаси | 33 |
|--|----|

Акушерлик ва гинекология

| | |
|---|----|
| А.Собиров – Анемия ва унинг оқибатлари | 35 |
|---|----|

Ҳикоя

| | |
|---------------------------------------|----|
| С.Аҳмад – Кичик ҳикоялар | 36 |
|---------------------------------------|----|

Chairman of Editorial Board:

B.Sayitqulov - doctor of veterinary

Editorial board:

J.Azimov - academic
 X. Yunusov – Rector of SamIVM
 B.Norqobilov – Chairman State Veterinary
 Committee of the
 Republic of Uzbekistan
 A.Oripov - professor
 X.Salimov - professor
 B.Salimov - professor
 R.Davlatov - professor
 Q.Norboev - professor
 A.Kakharov - professor
 A.Daminov - doctor of veterinary
 B.Narziev - doctor of veterinary
 N.Dilmurodov - doctor of veterinary
 Sh.Jabbarov - doctor of veterinary
 N.Yuldoshev - doctor of veterinary
 X.Niyozov - doctor of veterinary
 X.Bozorov - doctor of veterinary
 G.Mengliev - doctor of agricultural

Acting Chief Editor:

Gayrat Mengliev

Editors:

Maktuba MUMINOVA

Corrector:

Gulsara SAIDKULOVA

Designer:

Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

Initiator and leader of the project:

State Veterinary Committee of the
 Republic of Uzbekistan

Founders:

State Veterinary Committee of the
 Republic of Uzbekistan,
 «AGROZOOVETSERVIS» Co., Ltd.

**Registered in Uzbekistan Press and
 News agency by 0284**

Address: po/box: 5628, 22, Usmon Nosir,
 Tashkent, 100070. Editorial address: 4,

Xalqobod 4
 Tashkent, 100084
 Tel.: + (95) 170-22-35
 (71) 234-77-22

Web-site: www.vetjurnal.uz

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

circulation: 4300

Index: 1162

Permitted for print: 25.02.2019. Format
 60x84 1/8 Printed by Offset printing 6 press
 works Order #414 Free price.

© «Veterinariya meditsinasi», #02 (135) 2018

Printed by “SANO-STANDART”
 Co., Ltd., Tashkent city.
 100, Shiroq str.

Contagious diseases

| | |
|--|----|
| R. Urakova and others – Bradzot is a dangerous disease..... | 15 |
| I.Salimov, A. Dusanov – Clinical signs and pathologicoanatomic changes of experimental gangrene in calves..... | 16 |
| B.Elmurodov, M.Allamurodova – Diplococcus infection of calves | 18 |

Parasitology

| | |
|--|----|
| B.Norkobilov and others – Features of the epizootology of schistosomiasis in cattle in the Aral Seazone | 22 |
| O. Aripov – The effect of nutritional supplement (Hossipren) on poultry (chicks) and their hematological indices | 25 |
| R.Davlatov and others – The spread of ascaridosis in turkeys and the use of new anthelmintics..... | 27 |

Non-contagious diseases

| | |
|--|----|
| B.Abdumadjitov, B.Eshburiev – Biochemical processes in digestive tract dystonia in cows..... | 29 |
| B.Bakirov, OBoboev – Dispanserisation of ewe sheep | 30 |

Veterinary-sanitary expertise

| | |
|--|----|
| F.Ibragimov and others – Veterinary-sanitary examination of fishflour..... | 33 |
|--|----|

Maieutics and gynecology

| | |
|--|----|
| A.Sobirov – Anemia and its effects..... | 35 |
|--|----|

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИГА РАҲБАР ТАЙИНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5697-сон Фармонига мувофиқ Баҳромжон Тураевич Норқобилов Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси лавозимига тасдиқланди.

ХУШ КЕЛДИНГ, КЎКЛАМ!

Баҳорни бежиз интиқиб кутмаймиз. Кўклам нафақат чор-атрофга, балки қалбимизга ҳам таширф буюриши билан қадрли. Табиатнинг уйғониши руҳимизга, жисмимизга янгилини олиб келади. Айниқса, баҳор байрамлари ўзининг ўзгача таровати, шукуҳи билан ҳар қандай кўнгилга қувонч бахш этади. Аслида кўкламнинг таширфи, қишларнинг наҳорги чуғур-чуғури, майсалардан тараладиган тириклик исининг ўзи бир байрам.

Кўклам нафасидан бутун борлиқ, тирик жон куч олади. Қадимда янги йил Наврўздан бошлангани ҳам беҳикмат эмас. У ўз маъноси билан янги кун, янги ҳаётга қадам, кўклам файзидир.

Баҳорни энг аввал тупроқ билан тиллашган бобо деҳқон-у, қир-адирга ошиққан чорвадорлар қариши олади. Гала-гала сурувлар ортидан юриб, баҳор элчилари бўлмиш чучмомо-ю бинафшалар ифорини соғинган дилларга етказган чўпоннинг ҳадяси ҳар қандай мукофотдан устун. Ёши улуг отахону онахонлар омонлик дея кўклам белгиларига шукрона айтиши, янаги кўкламга-да хошири жамликда, тирикликда етиш учун дуога очилган қўллари бу заҳматкаш инсонлар қадрини янада оширади.

Чўпон-у чорвадорлар ўзидан ҳам кўра эчки улоқлари, мол-қўйларининг қишининг қировли кунларидан эсон-омон чиқиб олиши учун қайғуради. Уларга ҳамдарду ҳамроҳ бўлган ветеринарлар ҳам бу синовли даврни матонат билан босиб ўтадилар. Бу эса халқнинг, келажак авлоднинг соғлом ва баркамоллиги, юртимиз фаровонлиги учун қайғуриши, десак янглишмаймиз. Тириклик учун танамизга қувват бағишлолчи жамики неъматларга шундайин фидойи инсонларнинг машаққатли меҳнатлари ортидангина эришамиз.

Шундай экан, аввало тиниб-тинчимас деҳқон, чўпон-у чорвадорлар, боғбонларга туганмас куч, баҳорий шодумонлик, ризқ-рўзимиз ҳосилига эса барака тилаймиз. Мунис ва меҳрибон оналаримизни, опа-сингилларимизни гўзаллик айёми ҳамда барча юртдошларимизни Наврўз айёми билан самимий қутлаймиз. Юртимиздаги ҳар бир оилага тинчлик-тотувлик, дастурхонларимизга тўкинлик тилаймиз. Кундан кун чирой очиб, янгилини бораятган азиз диёримизга баҳор янада гўзаллик, файзу тароват олиб келсин!

Миллатимиз фахри, буюк бобомиз Алишер Навоий айтганидек, ҳар тунимиз Қадр ўлубон, ҳар кунимиз НАВРЎЗ бўлсин!

Таҳририят

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING “ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ги 2019 йил 28 мартдаги 5696-сонли FARMONI

Мамлакатимизда чорва моллари ва паррандалар бош сонини барқарор оширишни таъминлаш, ветеринария назоратини кучайтириш ва ветеринария сервис сифатини ошириш, ҳайвонларнинг соғлигини ҳимоя қилиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, эпизоотик осойишталик ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, чорва молларининг наслини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик йўналишидаги чорвачилик хўжаликлари фаолиятини ҳамда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда йирик тадбиркорлик субъектларини қўпайтирилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чоратadbирларни амалга ошириш талаб этилмоқда.

Республикада наслчилик-селекция ишларини юришнинг илмий асосланган инновацион услубларини жорий этиш, сунъий уруғлантириш ишларини тизимли ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари орасидаги эпизоотик осойишталик ҳамда озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси **Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси** этиб қайта ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг **асосий вазифалари** сифатида белгилансин:

ветеринария, чорвачилик ва наслчилик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, ушбу соҳада давлат, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, ветеринария фаолиятини лицензиялашни амалга ошириш;

ветеринария соҳаси ва чорвачиликни барча тармоқларини, шу жумладан қорамолчилик, қўйчилик, қорақўлчилик, эчкичилик, йилқичилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларчилик ва қуёнчиликни ривожлантириш, наслчилик-селекция ишларини мувофиқлаштириш ҳамда ушбу йўналишлар бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва ижросини амалга ошириш;

мамлакат ҳудудларини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан ҳимоя қилишни таъминлаш, амалиётга ҳайвонларни даволашнинг ва профилактикасининг замонавий усулларини жорий этиш, маҳаллий ва хорижий фан ютуқларини тадбиқ этиш асосида ветеринария дори воситаларининг янги турлари ва шаклларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

эпизоотик осойишталикни таъминлашда ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олишга доир профилактика ишларининг самарадорлигини мониторинг қилиш;

чорвачилик ва наслчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ягона механизмларини амалга

ошириш, чорвачилик хўжаликлари озуқа етиштириш учун ажратилган ер майдонларида чорва озуқа экинларини жойлаштиришни ташкил этиш ҳамда юкори хосилдорликка эришишни мониторинг қилиш;

чорвачилик тармоқларида ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш ишларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини зоти бўйича районлаштириш;

ветеринария ва наслчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг сифати ва муомаласи юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

ветеринария ва наслчилик-селекция соҳаларида илмий, услубий ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, илмий тадқиқотлар йўналишларини белгилаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновация ишланмалари натижаларини ветеринария ва наслчилик-селекция амалиётга жорий этилишини мувофиқлаштириш;

чорвачилик маҳсулотларини халқаро талабларга мувофиқ сертификатлаштириш ва стандартлаштиришни таъминлаш, сифат менежментининг замонавий усулларини кенг жорий этиш, ветеринария ва чорвачилик соҳаларига хорижий инвестициялар ва грант маблағларини жалб қилиш;

соҳа кадрларини тизимли тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш, раҳбар ҳамда мутахассисларнинг иш услуби ва шаклларини такомиллаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси таркибидаги қуйидаги муассасалар Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси таркибига ўтказилишига розилик берилсин:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва унинг қошидаги академик лицей;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш марказининг Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Балиқчилик илмий-тадқиқот институти.

3. **Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси** эпизоотик осойишталикни таъминлаш, ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олиш, чорвачиликни барча тармоқларини ва наслчиликни ривожлантириш учун **масъул давлат бошқарув органи ҳисобланади.**

4. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон

Республикаси Давлат ветеринария кўмитасининг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси, унинг тизими ва ҳудудий ташкилотларини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Илмий-тадқиқот ишлари, кўмита тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳа кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, шунингдек ходимларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳузурида **Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.**

Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбалари этиб:

Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармасининг ҳамда Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича Давлат илмий марказининг хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағларнинг 75 фоизи;

чорвачилик фермер хўжалиқларига сотиладиган уруғлар, сунъий уруғлантириш хизматини кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

6. **Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Чорвачилик, паррандачилик ва асаларичилик бошқармаси, Балиқчилик бошқармаси ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари негизида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳузурида фаолият кўрсатадиган “Ўзбекчорванасл” агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) ташкил этилсин.**

7. **Агентликнинг асосий вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

чорвачилик тармоғини ривожлантириш, сунъий уруғлантиришни ташкил этиш, наслчилик-селекция ишларини такомиллаштириш, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш;

чорвачиликда соф генофондни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, илмий-тадқиқот муассасалари

томонидан ишлаб чиқилган наслчилик-селекция дастурларини амалиётга татбиқ этиш ва мувофиқлаштириш;

чорвачиликда наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини яхшилаш мақсадида наслчилик ресурсларини ярагиш, сақлаш, такрор кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш;

озуқабоп экинларни етиштириш учун ажратилган ер участкаларида ушбу экинлар етиштирилишини мониторинг қилиш.

8. Белгилансинки, 2020 йил 1 январдан бошлаб:

чорва моллари бош сони 100 шартли ва ундан ортик бўлган чорвачилик ҳамда паррандалар сони 100 минг бош ва ундан юқори бўлган паррандачиликка ихтисослашган хўжалиқларда алоҳида штат асосида ветеринария врачлари ва зоотехник мутахассисларнинг фаолият юритиши жорий этилади;

қорамолчилик йўналишидаги хўжалиқлар (бўрдоқчилик хўжалиқлари бундан мустасно) ҳамда аҳоли қарамоғидаги сигирлар Агентлик томонидан ишлаб чиқилган селекция режасига асосан мазкур ҳудуд учун бириктирилган зотдаги насли буқалар уруғи билан сунъий уруғлантирилади;

туман ҳокимликлари ҳар йилнинг 1 декабрига қадар Агентликнинг ҳудудий бўлинмалари билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига фермер хўжалиқлари кесимида келгуси йил учун озуқа экинларини жойлаштириш режасини тақдим этади;

шахсий ёрдамчи, дехқон хўжалиқлари ва аҳоли хонадонларидаги сигирларни сунъий уруғлантириш учун фойдаланиладиган наслдор буқаларнинг музлатилган уруғи ва кимё корхоналари томонидан етказиб бериладиган суюқ азот харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплашга рухсат этилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

2019 йил 28 март

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ги 2019 йил 28 мартдаги 4254-сонли ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5696-сонли Фармони ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тизимидаги кирувчи ташкилотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг бошқарув ходимлари чекланган сони 63 нафардан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг намунавий тузилмалари 4 ва 5-иловаларга мувофиқ;

Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармасининг тузилмаси ва унинг тузилмасига кирувчи муассасалар рўйхати 6-7-иловаларга мувофиқ;

туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларининг намунавий тузилмалари 8-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар туманлари (шаҳарлари) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари тузилмасига кирувчи муассасалар рўйхати 9-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси хузуридаги “Ўзбекчорванасл” агентлигининг ташкилий тузилмаси 10-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси хузуридаги “Ўзбекчорванасл” агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 11-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар “Чорванасл” марказларининг намунавий тузилмаси 12-иловага мувофиқ;

Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказининг тузилмаси 13-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказларининг намунавий тузилмаси 14-иловага мувофиқ;

туманлар (шаҳарлар) ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказларининг намунавий тузилмаси 15-иловага мувофиқ;

туманлар (шаҳарлар) ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказлари тузилмасига кирувчи муассасалар рўйхати 16-иловага мувофиқ;

Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармасининг тузилмаси 17-иловага мувофиқ;

Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича Давлат илмий марказининг тузилмаси 18-иловага мувофиқ;

Ветеринария илмий-тадқиқот институти, Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти, Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳамда Балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг тузилмалари 19-22-иловаларга мувофиқ;

2019-2021 йилларда чорва моллари бош сони, гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича прогноз кўрсаткичлари 23-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисига: зарур ҳолларда қўмита ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг барча ташкилий тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий штатдаги сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан бошқарув ходимларининг қўшимча штат бирикларини жорий этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий ва таълим муассасалари юқори малакали мутахассисларини, шунингдек халқаро ташкилотлар ва экспертларни консультант сифатида жалб этиш;

малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақи миқдори ва бошқа

тўловларни чет эл валютасида белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси ҳузуридаги “Ўзбекчорванасл” агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) бош директори лавозимга кўра Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари ҳисобланади;

Агентлик бош директорининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

“Қорақўлчилик” Республика уюшмаси, “Паррандасаноат” уюшмаси, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси ва “Ўзбекистон асаларичилари” уюшмаларининг раислари ва уларнинг ўринбосарлари муассисларнинг умумий йиғилиши қарорлари билан сайланади ва Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг тақдимига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси томонидан вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чор-

вачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг бошлиқлари томонидан туман (шаҳар) ҳокимларининг тақдимига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ветеринария инспектори, унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ветеринария инспекторининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг Давлат ветеринария назорати бошқармаси ветеринар мутахассислари ўз ваколатлари доирасида давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади;

Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси бошлиғи давлат чегараси ва транспортда бош давлат ветеринария инспектори, унинг ўринбосарлари эса Давлат чегараси ва транспортда бош давлат ветеринария инспекторининг ўринбосарлари ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари эса тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторларининг ўринбосарлари ҳисобланади;

туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларининг бошлиқлари тегишлича туманлар (шаҳарлар) бош давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади;

ветеринария участкалари ва бозорлар ветеринария-санитария экспертиза лабораториясининг мудири тегишлича участка ва бозорларда давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади;

Давлат чегараси ва транспортда ветеринария назорати ветеринария пунктларининг (участкаларнинг) бошлиқлари ва ветеринар врачлари тегишлича Давлат чегараси ва транспортда ветеринария назорати ветеринария пунктларининг (участкаларнинг) давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “O‘ZNASLCHILIK” ва “Ўззооветаъминотхизмат” давлат корхоналари Агентлик таркибига ўтказилсин.

5. Агентлик ўз фаолиятини “Қоракўлчилик” Республика уюшмаси, “Паррандасаноат” уюшмаси, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси ва “Ўзбекистон асаларичилари” уюшмаси билан ҳамкорликда олиб боради.

6. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси икки ой муддатда куйидагиларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда мавжуд чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларнинг, шу жумладан кўп тармоқли хўжаликларнинг мавжуд қувватларини хатловдан ўтказиб, уларни етишмайдиган ўрнини насли корамоллар билан тўлдириш бўйича дастурни;

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда наслчилик хўжаликларида етиштирилган ва Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан импорт қилинган ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига сотилган ҳар бир бош наслдор қорамол учун субсидия бериш тартибини;

Молия вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда аҳоли хонадонларида ва чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектларда парвариш қилинаётган чорва молларини суғурталаш тартибини.

7. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

Самарқанд ветеринария медицина институтининг Тошкент филиалини ташкил этиш;

Молия вазирлигининг ветеринария участкаларидаги 1 500 нафар ходимларга кўшимча равишда чорва моллари наслини яхшилаш ва сунъий уруғлантириш вазифаси юклатилаётганлигини инобатга олиб, уларнинг тариф разрядларини 3 разрядга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

8. Агентлик ижро аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, маҳаллий бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

9. Агентликнинг бош директори, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар “Чорванасл” марказлари директорларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳар йили наслчилик иши ва сунъий уруғлантиришни ташкил қилиш учун 1 500 тагача ишчиларни шартнома асосида жалб қилиш ваколати берилсин.

Бунда, жалб қилинадиган ишчилар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари

вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси томонидан 12 ойлик шартнома асосида ишсизлар ва банд бўлмаган шахслар сифатида жамоат ишларига жалб қилинади ва уларнинг иш ҳақи жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

10. Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан аҳоли, шахсий ёрдамчи, дехқон ва чорвачилик йўналишидаги хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатиладиган хизматлардан ҳамда насли чорва молларини республикага импорт қилиб сотишдан тушган маблағлар солиқ солинадиган базага киритилмайди.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Агентлик билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир туманда ташаббускорларни аниқлаб:

ички истеъмол бозорини сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, гўшт нархининг барқарорлигини сақлаш мақсадида 2019-2021 йилларда ҳар бир туманда қорамолларни бўрдоқига боқишга ихтисослашган камида иккитадан 300-500 бошга мўлжалланган замонавий комплексларни;

ички истеъмол бозорини сифатли сут ва сут маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, сут нархининг барқарорлигини сақлаш мақсадида ҳар бир туманда камида иккитадан 250-300 бошга мўлжалланган сут йўналишидаги корхоналарни ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

12. Агентлик, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ва туманлар ҳокимликлари:

мазкур қарорнинг 23-иловасига мувофиқ 2019-2021 йилларда чорва моллари бош сони, гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш;

чорвачилик хўжаликларидаги мавжуд чорва моллари учун ажратилган ер майдонларини икки ой муддатда хатловдан ўтказсин ва улардан самарали фойдаланишнинг ҳолатини ҳар бир хўжалик кесида алоҳида ўрганиб чиқсин, ўрганишлар натижаси бўйича мавжуд шартли мол бош сонига нисбатан тафовут аниқланганда, ортиқча ер майдонларидан самарали фойдаланиш юзасидан барча чора-тадбирларни амалга оширсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Агентлик “Халқ банки”, “Алоқа банк”, “Саноат қурилиш банки” ва “Ипотека банк” акциядорлик тижорат банклари билан биргаликда чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчилик

йўналишидаги лойиҳаларни амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича доимий ҳамкорликда фаолият олиб борсинлар.

14. Агентлик, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда пахта ва ғалла экин майдонларига алмашлаб экиладиган чорва озуқаси учун беда экинни тўлик экилишини ташкил этсин ҳамда етиштириладиган ҳосилни чорвачилик хўжаликлари ва аҳолига тизимли етказишни таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни;

“Ўзбекчорванасл” агентлиги тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармасининг маблағларидан фойдаланиш ва шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Агентлик Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21а-уй манзилига жойлаштирилсин.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Агентликнинг ҳудудий бўлинмаларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бинолар ажратилишини таъминласин.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари ҳамда Агентлик бош директори чорвачилик субъектларига ажратилган ер майдонларига фақат чорва озуқа экинлари экилишига масъул этиб белгилансин.

19. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари янгидан ташкил этиладиган чорвачилик субъектларига меъёр бўйича озуқа экинлари экиш учун ер майдонларини ажратиб берилишига шахсан жавобгар ҳисобланади.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги икки ҳафта муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳисоб-китобларига асосан Агентликни зарур мебель, компьютер техникаси ва инвентарлар билан жиҳозлаш учун етарли маблағлар ажратсин;

Агентликка хизмат автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун зарур маблағларнинг ажратилишини таъминласин ҳамда Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларига 16 та хизмат енгил ва 161 та махсус автомобилларни сақлашга лимит белгиласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан Агентликни наслчилик иши ва сунъий уруғлантиришни ташкил қилиш мақсадида 24-иловага мувофиқ зарур бўлган махсус автотранспорт ва моддий-техника воситалари, шу жумладан дьоар идишлари ва бошқа зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун талаб этиладиган маблағларни ажратсин;

ушбу қарордан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4067-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 7-иловасига мувофиқ жорий йилда Самарқанд давлат ветеринария институтининг қурилиши тугалланмаган ўқув биноси объектини қуриш ва жиҳозлаш ишларини охирига етказилишини таъминласин.

2020 йилда қурилиши режалаштирилган институт иншоотларига буюртмачи сифатида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси белгилансин.

22. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Агентликни зарур алоқа воситалари, шу жумладан, ҳукумат алоқа воситалари билан таъминласин.

23. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри
2019 йил 28 март

Ш.Мирзиёев

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Яқинда Тошкент шаҳрида чорва ҳайвонларини идентификация қилиш бўйича халқаро экспертларнинг биринчи босқич яқунлари ва муҳокамаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки, Беларусь Республикаси идентификация маркази экспертлари, бир қатор манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этишди. Тадбирни Давлат ветеринария кўмитаси раиси ўринбосари Абдор Акбаров кириш сўзи билан очиб берди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 сентябрдаги “Ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ижросини



ни олиш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигига эришиш, мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатларида ўзаро ишончли ҳамкорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. У бу борада етакчи бўлган давлатлар мисолида мавзуга доир кенг маълумотлар берди. Шунингдек, юртимизда идентификация ишларининг самардорлигини ошириш борасида олиб борилаётган ҳаракатларга юқори

баҳо берди.

Беларусь Республикасининг Миллий академияси қошидаги Идентификация марказининг техник директори Геннадий Волнистый ягона электрон маълумотлар базаси тўғрисидаги маърузасида ягона электрон маълумотлар базаси ёрдамида қишлоқ хўжалиги йўналишидаги



таъминлаш юзасидан қатор ишлар қилинмоқда. Бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, белгиланган чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Бугун белгиланган тартибга кўра 8 та ҳайвон тури – йирик шохли мол, майда шохли мол, туя, от, эшак, чўчка, ит ва мушукларда идентификация ишлари бажарилмоқда. Ҳар бир ҳайвон турига тақиладиган атрибут тури, ҳайвонларни электрон тарзда ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш хориж тажрибалари асосида ўрганиб чиқилган.

Мазкур анжуманда халқаро эксперт Слабоден Чокревский ўз нутқида идентификациянинг афзалликлари – ҳайвонлар соғлиғини асраш, аҳоли ўртасида ҳайвонотга мансуб турли касалликлар келиб чиқишининг олди-



барча тармоқларда ҳайвонлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва аҳоли қарамоғидаги ҳайвонларнинг ҳаракати, аниқ бош сони, эмлаш ишлари ва эпизоотик тадбирларни назорат қилиш мумкинлигини таъкидлади. Шунингдек, у Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлик қилишга доимо тайёрлигини айтиб ўтди.

Анжуманда халқаро экспертлар юртимизда бошланган идентификация ишларининг дастлабки босқичи намунали ташкил этилганлиги ва бу жараёнга қаратилаётган эътибор юқорилигини таъкидлашди. Шунингдек, улар иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бердилар.

ЖОЙЛАРДА ИДЕНТИФИКАЦИЯ ИШЛАРИ

Аввал хабар қилганимиздек, мамлакатимизда идентификация ишларини халқаро талаблар асосида амалга ошириш мақсадида Халқаро Эпизоотик Бюронинг халқаро эксперти Слабоден Чокревский таклиф этилган эди. Қисқа фурсат ичида Давлат ветеринария қўмитаси мутахассислари халқаро эксперт билан биргаликда республикамизнинг кўплаб ҳудудларида бўлиб, ўқув-семинарлари ўтказишди ва жойларда олиб борилаётган идентификация ишлари билан танишиб, аynи жараёнга боғлиқ масалалар юзасидан тавсиялар беришди.

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида ҳам мазкур мавзу доирасида Давлат ветеринария қўмитаси раиси ўринбосари Абдор Акбаров раҳбарлигида навбатдаги ўқув-семинари ташкил этилди. Унда Давлат ветеринария қўмитаси масъул ходимлари, соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Дастлаб идентификация ишларининг моҳияти, афзалликлари, келгусида соҳа ривожига таъсири хусусида сўз юритилди. Сўнг халқаро эксперт Слабоден Чокревский кўргазмаларни қуроллар ёрдамида мавзуга доир янада кенгрок маълумотлар берди.



Ўқув-семинарида мутахассислар томонидан ҳайвонларни идентификация қилиш тартиби батафсил тушунтирилиб, зарур кўрсатмалар берилди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳайвонлари бош сони кўп бўлган тақдирда уларни идентификация қилиш бўйича алоҳида график ишлаб чиқиши белгиланганлиги таъкидланди.

Шунингдек, идентификация қилингандан сўнг куйидаги қоидаларга риоя этилиши эслатиб ўтилди. Унга кўра:

- ҳайвонлар тижорат мақсадларида фақат ихтисослашган сўйиш корхоналарида сўйилади;
- хонадонларда ҳайвонларни сўйган шахслар маъмурий жавобгарликка тортилади (ветеринар рухсати



билан шахсий эҳтиёжи учун сўйиш бундан мустасно);

– шахсий эҳтиёжи учун сўйилган ҳайвон гўштлари бозорларда, савдо ташкилотлари ва бошқа савдо объектларида сотилишига йўл қўйилмайди;

– ҳайвонлар ихтисослашган сўйиш корхоналарида сўйилганда уларнинг эгаларига ҳайвон сўйилганлиги тўғрисидаги маълумотнома (Ф200) тақдим этилади;

– ҳайвонга эгалари ветеринария паспорти орқали

эгаллик қилади;

– ҳайвонларни сотганда (сотиб олганда) ветеринария паспортида Давлат ветеринария хизмати томонидан етти кун ичида ҳайвон эгаси ўзгарганлиги тасдиқланади;

– мол бозорларида ҳайвонлар сотилганлигини тасдиқлаш учун Давлат ветеринария хизмати томонидан доимий вакиллар бириктирилади;

– ҳайвонга кўрсатилган ветеринария хизмати ветеринария паспортига қайд этилади ва маълумотлар қайдномага мувофиқ ягона электрон маълумотлар базасига киритилади;

– ҳайвонларга берилган кулоқ биркалари ҳаёти давомида сақланади;



– идентификация қилинмаган ҳайвонларни сақлаш ва боқиш тақиқланади.

Мутахассислар тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳайвонларни хонадонларда сўйишнинг олдини олиш, терини сифатли йиғиб олиш мақсадида ҳар бир қишлоқда замонавий технологиялар билан жиҳозланган кичик типдаги ихтисослашган сўйиш корхоналарини ташкил этиш режалаштирилаётганлиги тўғрисида ҳам тўхталиб ўтдилар.

Ўқув-семинари тумандаги чорвачилик фермер хўжалигида давом этди.

Мактуба МЎМИНОВА

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Миллий матбуот марказида Давлат ветеринария қўмитасининг «Қутуриш касаллигининг келиб чиқиши ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Давлат ветеринария қўмитаси масъул ходимлари, ветеринария мутахассислари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари, ИИБ карантин хизмати ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманни Давлат ветеринария қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шухрат Джаббаров кириш сўзи билан очиб бераркан, ҳозирги кунда мутахассислар томонидан ҳайвонларда учрайдиган касалликларга қарши курашиш чора-тадбирлари мунтазам олиб борилаётганлиги ҳусусида сўз юритди. Айниқса, ҳайвонларда қутуриш касаллигининг олдини олиш бўйича кескин чоралар кўрилаётганлигига алоҳида тўхталиб ўтди.

Бугунги кунда ҳайвонлар соғлиғини химоя қилиш, уларда учрайдиган турли касалликларнинг олдини олиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Давлат ветеринария хизмати мутахассислари томонидан аҳоли ўртасида ҳайвонлар касалликларига қарши кураш, хусусан, қутуриш касаллигининг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Қутуриш касаллиги ўтқир кечувчи, ўта хавфли, муқаррар ўлим билан тугайдиган юқумли касаллик. Бугунги кунда ушбу касалликнинг давоси ишлаб чиқилмаган. Қутуриш касаллигининг манбаи, асосан кемирувчилар, дайди ва қаровсиз итлар, мушуклар ҳамда ёввойи ҳайвонлар ҳисобланади.

Халқаро ташкилотларнинг берган маълумотларига кўра дунё бўйича ҳар йили 60 мингдан ортиқ одам ушбу касалликдан вафот этади ва 1 миллионга яқин ҳайвонлар қутуриш касаллигига чалинади. Касалликнинг 95%и қаровсиз дайди итлар томонидан етказилган жароҳат туфайли келиб чиқади ва шунинг 80%и қишлоқ жойлардаги аҳолига ҳисобига



тўғри келади. Энг ачинарлиси, жароҳат олганларнинг 60-65%и 14 ёшгача бўлган ёш болалардир.

Мазкур матбуот анжуманида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мутахассиси Абдусами Аҳмедовнинг жойларда Давлат ветеринария хизмати ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар, аҳоли ўртасида касалликдан химояланиш бўйича кўрилаётган чоралар, тарғибот ва ташвиқот ишлари тўғрисидаги маърузалари тингланди. Шунингдек, ветеринария фанлари доктори Муборак Маматова ветеринария илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан қутуриш касаллигининг олдини олиш бўйича эмламалар *ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ишлари бошлаб юборилганлигини қайд этиб ўтди.*

Касаллик юзага келишининг олдини олиш мақсадида Давлат ветеринария хизмати томонидан ҳар йил ўртача 3 млн га яқин рўйхатга олинган итлар қутуришга қарши эмланади. Шунингдек, ҳудудий ҳокимликларнинг қарор ва фармойишларига асосан тегишли ветеринария, тиббиёт, ички ишлар, ободонлаштириш бошқармалари ва маҳалла йиғинлари раислари ҳамкорлигида жойларда “Қутуриш касаллигига қарши курашиш” ойликлари ўтказилиб турилади.

Бу йил ҳам ана шундай тадбир ўтказилиб, ўтган икки ой мобайнида 1 млн бошга яқин итлар эмланди, қаровсиз ҳайвонлар ит тутиш бригадалари томонидан тутилди, янги рўйхатга олинган итларга эса махсус гувоҳномалар бе-





рилди. Ит сақлаш қоидаларини бузган шахсларга жарималар солинди.

Қаровсиз ҳайвонлар ва улар томонидан келиб чиқадиган қутуриш ва бошқа касалликларнинг олдини олиш бўйича хорижий давлат тажрибалари ҳам ўрганилганда, уларда қаровсиз ҳайвонлар (ит, мушук) учун бошпана (приют)лар ташкил этилган ва ҳар бир сақлаган ити учун мажбурий солиқ тўловлари мавжуд. Масалан, Беларусь Республикасида 1,5-9 еврогача, Греция ва Бельгияда 50 еврогача, Испания, Болгария, Италия, Чехия, Литва, Эстония, Швеция ва бошқа давлатларда 10-66 еврогача солиқ белгиланган.

Бунинг натижасида ҳозирги кунда Бельгия, Дания, Финляндия, Германия, Нидерландия, Норвегия, Швеция, Швейцариялар қаровсиз ҳайвонлар мавжуд эмас ҳудуд ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, республикамизнинг ҳар бир ҳудудида қаровсиз ҳайвонлар учун бошпана ташкил этиш ва ҳар бир боқиладиган ит учун мажбурий солиқ тўловини жорий этиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Ёввойи ҳайвонлар орасида қутуриш касаллигининг олдини олиш мақсадида Ветеринария илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган (оғиз орқали бериладиган) махсус эмламаларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Шунингдек, касаллик келиб чиқишининг олдини олишда Халқаро ҳайвонлар соғлиғини ҳимоя қилиш ташкилотининг 2030 йилгача бутун дунёда қутуриш касаллигини батамом тугатишга қаратилган “Йўл харитаси” бўйича ишлар ҳам жадал ташкил этилмоқда.

*Давлат ветеринария қўмитаси
матбуот хизмати*

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туман ветеринария бўлимида ҳам Давлат ветеринария қўмитаси томонидан ойлик доирасида белгиланган вазифалар ва уларнинг натижалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда туман ветеринария бўлими раҳбари Х.Отабоев тумандаги мавжуд 7 та ветеринария участкалари мутахассислари томонидан белгиланган тадбирларнинг бажарилиши яқунларига тўхталиб ўтди. Мазкур ҳудудда 51 мингдан зиёд йирик шоҳли, 36 минг 200 бошдан зиёд майда шоҳли мол, 20 мингдан зиёд от ва 15 бош туя бўлиб, уларни касалликлардан ҳимоя қилиш ҳамда касаллик келиб чиқишининг олдини олиш бора-



сида олиб бориладиган ишлар самарадорлигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди.

Туман эпизоотологи М.Бўрибоев аҳолини ҳайвонлардан одамларга юқадиган хавфли касалликлардан хабардорлигини ошириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларининг кучайтирилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб ўтди. Туман ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги маркази ходимлари – ветеринар врач серолог Х.Давлетбаева, М.Рисбоева, бактериология бўлими бошлиғи М.Жулдасова, лаборант Б.Қалдибаеваларнинг фаолияти иштирокчилар томонидан эътироф этилди.

Ғайрат Менглиев

ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА КАМАРБАСТАМИЗ

Маълумки, республикамызда ветеринария соҳасига етук кадрлар тайёрлайдиган асосий даргоҳ Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳисобланади. Мазкур институт томонидан соҳада илмий иш олиб бораётган олимлар фаолиятини ёритиш ва уларнинг изланишларини оммага маълум қилиш мақсадида “Veterinariya meditsinasi” журнали билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган.



Сўнги йилларда мутахассислар томонидан олиб борилаётган илмий ишларнинг ёритилиши, амалиётга қай даражада жорий этилаётганлиги ва бу борада мазкур журналнинг аҳамияти тўғрисида СамВМИда таҳририят ходимлари билан профессор-ўқитувчилар, талабалар иштирокида учрашув ташкил этилди. Унда институт ва таҳририятнинг ўзаро ҳамкорлиги таҳлил қилинди.

Учрашувда институт ректори, профессор Х.Юнусов илм-фаннинг жамият тараққиёти, давлат нуфузини оширишдаги бекиёс ўрни ҳақида тўхталиб, илмга бўлган эҳтиёж ҳаммиша юқори бўлганлигини ва уни мукамал эгаллаш орқалигина кўзланган натижага эришиш мумкинлигини таъкидлади. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида ёшларни ҳар томонлама билимли қилиб тарбиялаш ватан тақдирига дахлдор барчанинг шарафли бурчи эканлигини алоҳида қайд этди. Шунингдек, соҳага етук мутахассис кадрлар тайёрлашда илмий нашрларнинг ўрни ва уни янада оммалаштириш учун ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади.

“Veterinariya meditsinasi” журнали таҳрир хайъати раиси Б.Сайитқулов бугунги кунда олимлар томонидан олиб борилаётган илмий изланишларнинг соҳа ривожига қўшаётган ҳиссасини эътироф этди.

– Бугун юртимизда таълимга қаратилаётган эътибор ҳар қачонгидан юқори, – дейди Б.Сайитқулов. – Бироқ сўнги пайтларда таҳририятга келаётган кўплаб илмий мақолалар талабга жавоб бермай қўйган эди. Уларда муаллифларнинг илмий изланишлари акс этмаслиги, олиб борилган тадқиқот ишларидан ҳулосалар берилмаслиги ҳамда мақола муаллифларининг саводхонлик даражаси пастлиги таҳрир хайъати аъзолари томонидан танқид остига олинган эди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш ва илмий ишлар савиясини ошириш мақсадида жорий йил бошида институт

раҳбарияти билан ўзаро келишиб олинди. Эндиликда Олий Аттестация Комиссиясининг илмий мақолаларга қўйган талабларидан ташқари таҳрир хайъати аъзолари томонидан ҳам қўшимча талаблар киритилди. Бундан кўзланган асосий мақсад илмий иш олиб бораётган ёш мутахассислар масъулиятини ошириш, мавзунини чуқур ўрганиб, юқори самарали натижаларни қўлга киритишига ёрдамлашишдан иборат.

Учрашувда журнал бош муҳаррири F.Менглиев ҳам сўзга чиқиб, бугун иқтидорли талабалар, ўқитувчилар учун чет элда таълим олиш, малака ошириш имконини берувчи турли танловлар ташкил этилаётгани ва бу имкониятлардан ёшларимиз унумли фойдаланиб, хориж таассуротларини журнал саҳифаларида ёритиш орқали тенгдошлари билан ўртоқлашиши нашр оммабоплигини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Айни пайтда мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантиришга кенг эътибор қаратилаётган экан, малакали мутахассисларга ҳам эҳтиёж ортиб бораверади. Долзарб мавзудаги мақолалар, ишлаб чиқарилаётган янги препаратлар тўғрисидаги маълумотлар амалиётдаги ветеринарлар учун айни муддаодир. Бунинг учун таҳририят ходимлари нашр тилининг содда ва раван бўлиши, мавзунини батафсил ёритилиши учун масъулиятни ҳис этган ҳолда муаллифлар билан ҳамкорлик қилишни асосий вазифаси деб ҳисоблайди. Ўз ўрнида илмий изланишдаги мутахассислардан ҳам илмий асосланган, соҳани янада ривожлантиришга ҳисса қўшадиган илмий тадқиқотлар ва мақолаларни кутиб қоламиз. Зеро, илм-фан ва амалиётни уйғунлаштирган ҳолда чорва молларини касалликлардан асраш, тўғри парваришлаш орқали чорва бош сонини кўпайтиришга, пировард натижада аҳоли саломатлигини сақлаш ва халқ фаровонлигига эришиш мумкин.

Мактуба Раҳимжонова

Р.М. Урақова, И.Х. Салимов,
Х.С. Салимов, А.Д. Дусанов, ВИТИ

БРАДЗОТ ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

Таниқли рус олими А. Евсеенконинг “Тиббиёт одамни даволайди, ветеринария инсониятни асрайди” деган машхур ибораси ветеринария ва тиббиёт ходимларининг масъулияти нечоғлик юксак эканлигини англатади. Инсон саломатлиги учун зарур бўлган сут, гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари доимий назоратдан ўтказилиб, сифатли ҳолдагина истеъмол қилиниши зарур.

Ҳозирги кунда ветеринария фани янада ривожланиб, катта ютуқларга эришмоқда. Аммо шу билан биргаликда ҳайвонлар орасида инфекция касалликларнинг учраб туриши қишлоқ хўжалигига катта иқтисодий зарар келтирмоқда. Жумладан, қоракўлчилик соҳасида қўйларда учраб турадиган инфекция касалликлардан бири қўйларнинг брадзот касаллигидир. Ушбу касаллик қўйчилик хўжалиқларига катта иқтисодий зарар етказиши.

Брадзот қўйларнинг ўткир ва тез кечувчи инфекция касаллиги бўлиб, ширдон ва 12 бармоқли ичакнинг шиллиқ пардаларини геморрагик (қонли) яллиғланиши ва паренхиматоз аъзолар хусусиятларининг бузилиши билан характерланади. Касаллик қўзғатувчиси кистоз (анаэроб) муҳитда ўсувчи клостридия септикум ва клостридия одематенс ҳисобланади.

Кам ҳаракат қилувчи, семиз қўйлар бошқаларига нисбатан кўпроқ касалланади. Катта ёшдаги қўйлар яйловларда боқилганда, ёш қўзилар эса қўтонда ёки уй шароитида касалликка кўпроқ чалинади.

Брадзот йилнинг барча фаслларида учрайди, аммо йилнинг совуқ фаслларида (куз, қиш, баҳор) кўпроқ кузатилади. Қор, қиров ва шудринг тушганда қўйларни боқиш, қўй организмни гельминтлар билан зарарланиши, озуқа рақциониди оқсил ва минерал моддаларнинг етишмаслиги ушбу касаллик ривожланишига имкон яратади. Касаллик қўзғатувчилари кўпайиш, ривожланиш вақтида ўзидан жуда кучли заҳар (токсин) ишлаб чиқаради ва у ҳайвонларнинг асаб тизими, паренхиматоз аъзоларини зарарлайди, организмнинг ҳимоя тизими фаолиятини ишдан чиқаради, оқибатда ҳайвон нобуд бўлади.

Брадзотдан мажбурий сўйилган қўйларнинг гўшти истеъмолга яроқсиз ҳисобланиб, одамларни заҳарланишига сабаб бўлади.

Касал ёки касалликдан соғайиб ўзида касаллик бацилларини ташувчи қўйлар касаллик манбаи ҳисобланади. Касал ҳайвон ўзининг ахлати орқали ташқи муҳитга, айниқса тупроқ, яйловлар ва сувга касаллик қўзғатувчисини тарқатади. Табиий шароитда касаллик ҳайвонларга оғиз орқали, қўзғатувчи билан ифлосланган озуқа (хашак), ўт билан тупроқни еганда ёки ифлосланган сувни ичганда юқади.

Касаллик қўй ва қўзиларда жуда тез кечади. Кечки пайтда клиник соғлом кўринган ҳайвон эрталабгача ўлиши мумкин. Яйловга ҳайдаб борилаётганда соғлом бўлиб кўринган қўй бир зумда ётиб, қалтираб, тишларини ғижирлатиб бир неча дақиқада нобуд бўлади.

Ўлган қўй танаси жуда тез шишиб, қўйнинг оғиз ва бурун тешиқларидан қонли ва қўпикли шилимшиқ суюқлик ажралади. Ўлган қўй ёриб кўрилганда қорин ва кўкрак бўшлиқларида қизғиш-сарик суюқлик кузатилади. Тагидан секин кўтарилган жигар юзаси ёрилиб кетиши кузатилади. Ўлган қўйларни ёқиб юбориш ёки чуқурлиги 2 метр бўлган ўраларга кўмиш талаб этилади.

Касалликни олдини олиш тадбирлари ушбу касалликка қарши курашишда асосий ўрин эгаллайди. Бунинг учун касаллик пайдо бўлишига кўмаклашувчи омилларга (қор, қиров ва шудрингга боқиш, гельминтлар билан зарарланиши, организмда оқсил ва минерал моддалар етишмаслиги) йўл қўймаслик керак.

Хўжаликда касаллик аниқланса, дарҳол касал ва касалликка гумон қилинган ҳайвонлар алоҳида жойларга ажратилиши ва бу ҳақида аҳоли пунктига хизмат кўрсатадиган ветеринария мутахассисларига, туман ветеринария ходимларига хабар бериш зарур. Барча соғлом, касалликка мойил ҳайвонлар қўтонларда сақланиб, уларни эмлаш талаб қилинади.

Брадзот билан касалланган қўйларда тана ҳарорати кўтарилиши, нафас олиши ва юрак уриши тезлашиши кузатилади. Уларда иштаҳа кескин пасайиб, бутунлай йўқолиши, кавш қайтармай қўйиши, баъзи қўйлар ўта таъсирчан, безовта бўлиб,

сакраб-сакраб олға ҳаракатланади ва ҳолсизланиб йиқилиб, нобуд бўлади.

Ўлган қўйларнинг жун қоплами жуда осон юлиниб кетиши, тери тўқ қизил-кўкиш рангдалиги ва мурдани тез шишиб чириши кузатилади.

Қўйларнинг брадзот касаллигини олдини олиш учун баҳор ва кузда касалликка мойил ҳайвонларни эмлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун Россияда ишлаб чиқариладиган қўй ва эчкиларнинг брадзот, энтеротоксемия, хавфли шиш ва қўзиларнинг дезинтерия касалликларига қарши поливалент вакцинани қўллаш тавсия этилади. Шу билан бирга қўйлар боқиладиган яйловлар ва улар сув ичадиган сув ҳавзаларининг ветеринария-санитария ҳолатини доимо назорат қилиб туриш талаб этилади.

Брадзот касаллигига гумон қилинган ҳайвонлар алоҳида жойларга ажратилиб эмланади ва даволанади. Касаллик жуда тез кечганда даволаш самарасиз, аммо касаллик чўзилган ҳолатларда антибиотиклар билан даволаш самара бериши мумкин. Касалликка мойил барча соғлом ҳайвонлар қўтонда сақланади

ва улар зудлик билан эмланиши шарт. Даволанадиган қўйларнинг табиий чидамлилигини ошириш мақсадида уларнинг озука рационига пичан, микро-ва макроэлементлар, витаминли озукалар қўшиш мақсадга мувофиқ.

Ўлган ва касал қўйлар турган бинолар, қўтонлар 3 %ли фаол хлорли оҳак эритмаси, 5% ли ўювчи натрий, 10% ли формалин ёки 10% ли бир хлорли йод билан дезинфекция қилинади. Касал ҳайвонларни гўштга сўйиш, жунини, сутини олиш ва ундан фойдаланиш, ўлганларининг терисини олиш тақиқланади. Касал қўйларнинг гўнги, ортиб қолган хашаклари, ўлган мурдалар териси билан биргаликда (иложи бўлса жойида) ёқиб қуйдирилади. Мурдаларни махсус жиҳозланган жойларда ёриб кўришга рухсат берилади.

Ушбу касалликка қарши курашишда лоқайд бўлмасдан, инфекция касалликларга бўлган эътиборимизни кучайтирсак, ҳар қандай муаммоларни ҳал қила оламиз. Брадзот касаллиги чорва бош сонини кўпайтиришга тўсқинлик қилишига йўл қўймайлик.

УДК 619:616.006.447-097.3:636.22.2:578

И.Х. Салимов, А.Д. Дусанов
ВИТИ

БУЗОҚЛАРДА ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ҚОРАСОН КАСАЛЛИГИНИНГ КЛИНИК БЕЛГИЛАРИ ВА ПАТОЛОГОАНАТОМИК ЎЗГАРИШЛАРИ

Аннотация

В опытах вызван экспериментальный эмфизематозный карбункул у телят. Изучены течение, клинические проявления болезни и патологоанатомические изменения у павших телят. Реизолирован возбудитель инфекции из патологического материала и тем самым доказан, что телята пали от заражения возбудителем эмфизематозного карбункула.

Калит сўзлар: қорасон, бузоқ, қўзгатувчи, клиник белги, патологоанатомик ўзгаришлар, *Cl. chauvoei*, спора, анаэроб, газ, дамлаш, шиш.

Summary

In experiments, an experimental emphysematous carbuncle in calves was induced. The course, clinical manifestation of the disease and pathology anatomical changes in pierced calves has been studied. The causative agent of the infection has been isolated from pathological material and thus it has been proved that the calves have fallen from infection with the causative agent of the emphysematous carbuncle.

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, инфекцион касалликлар чорва моллари сонини кўпайишига жиддий тўсқинлик қилиб, нобуд бўлишига ҳам сабаб бўлади. Қорамол ва қўйларда учрайдиган анаэроб қўзгатувчи *Cl.chauvoei* чақирадиган қорамолларнинг қорасон касаллиги мавжудки, у шахсий ёрдамчи, дехқон фермер хўжалиқларига,

қолаверса қорамол ва қўй боқаётган оилалар даромадларига сезиларли зарар етказадиган касалликлар сирасига киради. Қорамол ва қўйларнинг қорасон касаллиги дунёнинг чорвачилик билан шуғулланадиган ҳамма жойларида кенг тарқалган бўлиб, республикамизда ҳам ушбу касаллик учраб туради.

Қорасон касаллигини даволаб бўлмайди. Касалликка қарши курашишда касалликни олдини олиш тадбирлари асосий ўрин эгаллайди. Шунинг учун самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқишда аввало унинг эпизоотик ҳолатини ўрганиш, ташхис қўйиш, олдини олиш усуллари ўзлаштириш зарур.

Шуни такидлаш жоизки, касалликнинг тарқалиш даражаси ҳақида аниқ маълумотга эга бўлмасдан туриб унга қарши курашиш самарасиз бўлади. Шунинг учун юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилишда аввало ушбу касалликнинг республикамиз ҳудудида тарқалиш даражаси, келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ҳамда касалликнинг клиник белгиларини, патологоанатомик ўзгаришларини ўрганиш талаб қилинади.

Тадқиқот объекти ва услублари. Бузоқларда экспериментал қорасон касаллигининг клиник белгилари ва патологоанатомик ўзгаришларини ўрганиш ишларини амалга ошириш учун ўртача семизликдаги 6 ойлик 3 бош бузоқлардан, *Cl.chauvoei* маҳаллий Х-04 штаммидан, Китт-Тароци озуқа муҳитидан, денгиз чўчкачаларидан фойдаланилди. Бузоқларни зарарлантириш учун Ўзбекистон ҳудудидан ажратилган қорасон касаллиги кўзгатувчиси *Cl.chauvoei* ни маҳаллий Х-04 штаммининг Китт-Тароци озуқа муҳитида ўсган бир кунлик культурасидан фойдаланилди.

Бузоқларда экспериментал қорасон касаллигини кўзгатиш учун уларнинг орқа оёқлари сон мускуллари орасига, қорасон касаллиги кўзгатувчисининг маҳаллий штамми билан зарарлантирилди. *Cl.chauvoei* ни бузоқлар учун ЛД₁₀₀ юктириш дозаси олдиндан аниқлаб олинган бўлиб, у Китт-Тароци озуқа муҳитида ўсган бир кунлик кўзгатувчилар культурасининг 3,0 мл миқдорига тенг. Касаллик кўзгатувчиси юктирилган бузоқлар доимий кузатувда бўлиб, ҳар 8 соатда уларнинг клиник кўрсаткичлари текширилиб, қайд қилиниб турилди.

Тадқиқот натижалари. Бузоқларни зарарлантиришдан олдин улар клиник кўрикдан ўтказилди: уларнинг умумий аҳволи, иштаҳаси яхши бўлиб, тана ҳарорати ўртача меъёр даражасида, яъни 38,6 - 39,4°C га тенг. Юрак уриш тезлиги физиологик меъёр доирасида бўлиб, дақиқасига 90-110 марта эканлиги аниқланди. Нафас олиши ҳам дақиқасига ўртача 50-70 марта эканлиги қайд қилинди.

Бузоқлар ҳаракатида салбий ўзгаришлар, яъни оқсаш кузатилмади. Тана конфигурациясида ҳам шиш каби ўзгаришлар йўқлиги аниқланди.

Кўзгатувчи юктирилгандан кейинги 16-18 соат давомида бузоқларда қорасон касаллигининг би-

ринчи клиник белгилари намоён бўлиб, уларда тана ҳароратининг 0,5 С° дан 1,0 С° кўтарилгани, юрак уриши 80-100 марта ва нафас олиши 70-90 мартага етганлиги аниқланди. Бузоқларда иштаҳа жуда суст, улар камҳаракат бўлиб, юрганда кўзгатувчи юборилган оёғини авайлаши кузатилди. Кўзгатувчи юктирилгандан 24 соат ўтгандан сўнг бузоқларда тана ҳарорати кескин кўтарилиб, юрак уриши 90-110 мартани, нафас олиш эса 80-100 мартани ташкил қилди. Бузоқларда иштаҳа йўқолган, ташки таъсирларга эътиборсиз, бир жойдан силжимаслик, ҳаракатланганда оқсаш аломатлари кузатилди. Кўзгатувчи юборилган жой иссиқ ва у ерда оғрикли шиш пайдо бўлган. Тажрибанинг 32-34 соатларида бузоқларнинг жун қоплами ҳурпайган, иштаҳа, кавш қайтариш йўқолган, тана ҳарорати 1,0-1,3 С° га кўтарилган. Юрак уриши тезлашган – 100-110 марта, нафас олиш эса 80-100 марталиги аниқланди. Бузоқлар умуман ҳаракат қилмайди, юрганда оқсаш кузатилиб, оёғини босмасликка ҳаракат қилиши кузатилди. Кўзгатувчи юборилган жойда иссиқ, босиб кўрилганда ғижирлаши сезиладиган оғрикли шиш мавжуд. Тажрибанинг 42-48- соатларига бориб бузоқлар қорасон касаллигига хос бўлган клиник белгиларни намоён қилган ҳолда нобуд бўлишди.

Ўлган бузоқлар таналари патологоанатомик текширилганда, уларнинг жун қоплами ҳурпайганлиги, шиш ва унинг атрофлари қизғиш тўқ кўк ва қорамтир рангдалиги аниқланди. Бурун ва оғиз бўшлиғидан қонли кўпик оққанлиги кузатилди.

Тери ажратиб олинганда тери ости тўқималари ириган, қизғиш суюқлик ва газ пуфакчалари кўплиги маълум бўлди. Жароҳат жойи кесиб кўрилганда мушаклар қуруқ бўлиб, қорайган, оралари очик ўпкасимон ҳолда. Аччиқ мой хиди борлиги аниқланди.

Кўкрак қафаси ёриб кўрилганда юрак мускуллари бўшашган, доғли қон куйилишлар юзага келганлиги аён бўлди. Ўпка тўлақонли ва бироз катталашган бўлиб, бронхлар ичида қонли кўпик борлиги кузатилди.

Қорин бўшлиғи ёриб кўрилганда тери ости шиллик пардаларда гиперемия ҳолати борлиги кўзга ташланди. Жигар ва буйрақлар ҳам бироз шишган, уларда ҳам доғли ва нуқтасимон қон куйилишлар ҳосил бўлган. Ўт пуфаги катталашган ва ўтга тўла. Ошқозон ва ичакларда геморрагик яллиғланиш бўлиб, қон турғунлиги ва қон куйилишлар кузатилди. Танадаги барча катта ва кичик қон томирларнинг ичида кўп миқдорда газ пуфакчалари мавжудлиги аниқланди.

Ёриб кўрилган таналарнинг жароҳат жойларидан мушак бўлакчалари ҳамда паренхиматоз аъзо-

ларидан (юррак, жигар, буйрак) патологик материал олиниб, кўзгатувчини қайта ажратиш ишлари амалга оширилди.

Бактериологик текширишлар натижасида Китт-Тароцци озуқа муҳитига экмалар экилиб, сўнгра бир кунлик культурадандан суртмалар тайёрланди. Суртмалар Грам усулида бўялиб микроскопия қилинди ва суртмаларда якка-якка ва жуфт-жуфт жойлашган Грам мусбат бациллар борлиги аниқланди. Ажратилган касаллик кўзгатувчиси оддий озуқа муҳитларида ўсмаслиги, осилган томчи суртмаларида уларнинг ҳаракатчанлиги, яъни хивчинлари (перитрихлари) борлиги, иссиқлик ва совуққа чидамлилиги, Китт-Тароцци озуқа муҳити рангини 18-24 соат ичида ўзгартириши ва ҳаво пуфакчалари ҳосил қилиши, аччиқ мой ҳиди чиқариши, сутни ивитиши каби хусусиятлари текширишлар натижасида аниқланди. Лаборатория ҳайвонларидан қорасон касаллигига энг сезгири бўлган денгиз чўчкачаларида кўзгатувчининг биологик хусусиятлари ўрганилганда, чўчкачалар 36-48 соатда қорасон касаллигига хос бўлган, яъни тана ҳароратининг кескин кўтарилиши, иштаҳанинг йўқолиши, юрак уриши ва нафас олишининг тезлашуви, терлаш, оқсаш, кўзгатувчи юборилган жой ва атрофларида шиш пайдо бўлиши каби клиник белгилар намоён қилган ҳолда нобуд бўлишди. Улар ёриб кўрилганда қорасон касал-

лигига хос патологоанатомик ўзгаришлар, яъни терининг ости тўқ қизил-қорамтир ранда бўлиб, газ пуфакчалари борлиги, мушаклар бир-биридан ажралган ҳолдалиги кўзга ташланди. Ушбу қайта ажратилган кўзгатувчи, бузоқларни зарарлантиришда қўлланилган қорамолларнинг қорасон касаллиги кўзгатувчиси *Cl.chauvoei* эканлиги исботланди.

Хулоса. Бузоқларда қорасон касаллиги экспериментал ҳолда кўзгатилади ва касалликнинг клиник белгилари, патологоанатомик ўзгаришлари аниқланди. Ўлган бузоқлардан касаллик кўзгатувчиси қайта ажратилиб, улар зарарлантириш оқибатида ўлганлиги исботланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сосов Р.Ф. Эмфизематозный карбункул. Эпизоотология. – М.: «Колос», 1974. – С. 285-289.
2. Каган Ф.И. Эмфизематозный карбункул. Ветеринарная лабораторная практика. – М.1963. –С. 294-297.
3. Коляков Я.Е. Возбудитель эмфизематозного карбункула крупного рогатого скота. Ветеринарная микробиология. – М.: «Колос», 1965. – С.211-215.
4. Каган Ф.И., Колесова А.И. Концентрированная вакцина против эмфизематозного карбункула. В кн. Биологические и химиотерапевтические ветеринарные препараты. – М. 1963. – С.195-203.

УДК: 619. 2. 616.989.75.

Б.А.Элмуродов, М.М.Алламуродова,
Ветеринария илмий-тадқиқот институти

ҚЎЗИЛАР ДИПЛОКОККОЗ КАСАЛЛИГИ

Аннотация

Экспериментальные испытания вакцин на основе местных штаммов показали, что биопрепарат обладает положительными иммуногенными свойствами.

Для предотвращения болезни сердца от дифтерии болезнь предотвращается, если ее вакцинируют против овец и ягнят вакциной, подготовленной ГОА, официально вакцинированной против дипломакоза, созданного Узбекским научно-исследовательским институтом ветеринарии.

Аннотация

Tests of experimental vaccines against diplococcosis based on local strains show that the biological product has positive immunogenic properties. In order to prevent diplococcosis, vaccination of sheep and lambs with the help of the GOA vaccine formulas, created in the veterinary research institute of Uzbekistan, is recommended.

Калит сўзлар: Диплококкоз, вакцина, иммуногенлик, штамм, мастит, артрит, антителолар, бактериология, микробиология.

Мавзунинг долзарблиги. Диплококкоз – кишлоқ хўжалик ҳайвонларининг юкумли касаллиги бўлиб, ўта ўткир, ўткир, ярим ўткир ва сурункали шаклларда кечади. Ушбу касаллик йилнинг ҳамма фаслларида, айниқса, киш ва баҳор ойларида кўпроқ

учрайди ҳамда касалланган ҳайвонларда ўлим 30–35% гача етади. Касалланган ҳайвонларда тана ҳароратининг 41-42⁰С гача ошиши, нафас олишнинг қийинлашуви, ҳолсизланиш, бурундан кўпикли ва йирингли суюқлик оқиши кузатилади. Ярим ўткир

ва сурункали шаклларда ушбу белгиларга артрит, йўтал ва ич кетиш кўшилади. Ўз вақтида ветеринария ёрдами кўрсатилмаса касалланган ҳайвонлар нобуд бўлади.

Диплококкоз касаллигида кўплаб ўлим бўлиши ва унга қарши курашиш тадбирларига катта маблағ сарфланиши эътиборга олиниб, олимлар томонидан ҳозирги кунда бузоқ, кўзи ва чўчқа болаларининг диплококкоз касаллигига қарши вакцина ва гипериммун қон зардоблари ишлаб чиқарилган. Бу биопрепаратларни хориждан келтириб қўллаш катта маблағ талаб этади.

Республикамызда ҳозирги кунга қадар диплококкоз касаллигини олдини олиш ва даволаш бўйича биопрепаратлар ишлаб чиқарилмаган. Мақсадимиз республикамызда маҳаллий ресурслардан (штамм) фойдаланган ҳолда кўй ва кўзилар диплококкоз касаллигининг олдини олиш учун биопрепаратлар яратиш ва уни қўллашнинг оптимал дозаларини аниқлашдан иборат. Хорижда яратилган диплококкозга қарши вакцина валютага келтирилади ва иммунитет 4 ойгача давом этади. Кўзиларда ўтказилган тажрибаларда маҳаллий диплококк штаммларидан яратилган вакцина ёрдамида иммунитет 6 ойгача давом этди. Маҳаллий вакцина чорвачилик хўжаликларини диплококкоз касаллиги етказиши мумкин бўлган талофатдан сақлайди ва валюта маблағини тежаш имконини яратади.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили. Таъкидлаб ўтиш жоизки, лабораториямызда кўзилар диплококкоз касаллигини олдини олиш мақсадида экспериментал ГОА формол вакцина яратилди. Ушбу биопрепарат маҳаллий диплококк культураларидан фойдаланиб яратилган. Лаборатория ва хўжаликда ўтказилган тор доирали синов тадқиқотларидан ижобий самара олинди.

Кўйлар диплококкозига қарши экспериментал ГОА формол вакцинани хўжалик шароитида синаш учун вақтинчалик қўлланма тайёрланди. Ушбу ҳужжатлар ДВҚ га тақдим этилгач хўжалик шароитидаги синовларни Навоий ва Самарқанд вилоятининг носоғлом кўйчилик хўжаликларида ўтказишга рухсат олинди (ЎЗР ДВҚ нинг № 48-1/313 сонли буйруғи). Навоий вилояти ветеринария бошқармаси бошлиғи розилиги бўйича Навбахор тумани «Сармиш» ширкат хўжалиги ва Самарқанд вилояти ветеринария бошқармаси бошлиғи розилиги бўйича Нуробод тумани «Каттақўрғон» шир-

кат хўжалиги тадқиқотлар учун танланди. Дастлаб ушбу хўжаликлар эпизоотологик ҳолати бўйича текширилди. Тадқиқотлар давомида кўйлар орасида юқумли касалликлар аниқланмади.

Комиссия аъзолари иштирокида хўжаликда 500 бош кўзи диплококкозга қарши экспериментал вакцина билан эмланди. Ушбу вакцина 2 мл миқдорда соннинг ички юзасига тери остига асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилган ҳолда инъекция қилинди. Вакцинация қилинган ҳайвонларда оксокланиш, безовталаниш белгилари кузатилиб, бу белгилар 12-24 соат давомида йўқолди. 10 кун кузатиш муддатида эмланган ҳайвонларда асоратлар кузатилмади. 14 кундан кейин ушбу кўзилар 2 мл миқдордан ревакцинация қилинди. Ревакцинация қилинган ҳайвонларда асоратлар кузатилмади. Эмланган ҳайвонлар 10 кун давомида кузатилди. Кузатиш муддати давомида эмланган ҳайвонларда патологик ўзгаришлар аниқланмади. Диплококкларга қарши специфик антителолар титрини аниқлаш мақсадида охириги вакцинациядан кейин 180 кун ўтгач, 10 бош эмланган кўзилардан қон намуналари олинди серологик текширилди (АР).

Антителолар титри вакцинациядан кейин 180 кунлик муддат давомида ўртача 1: 640 ва 1: 440 ни ташкил этди. 6 ойлик кузатиш муддати давомида отардаги кўзилар орасида диплококкоз билан касалланиш ҳодисаси кузатилмади. Маҳаллий штаммлар асосида тайёрланган диплококкозга қарши экспериментал вакцинани синаш тадқиқотлари биопрепаратнинг ижобий иммуногенлик хусусиятларига эга эканлигини кўрсатди.

Самарқанд вилояти Нуробод тумани «Каттақўрғон» ширкат хўжалигида Комиссия аъзолари иштирокида ушбу хўжаликда 485 бош кўзи диплококкозга қарши экспериментал вакцина билан эмланди. Ушбу вакцина 2 мл миқдорда соннинг ички юзасига тери остига асептика ва антисептика қоидаларига риоя қилган ҳолда инъекция қилинди. Вакцинация қилинган ҳайвонларда оксокланиш, безовталаниш белгилари кузатилиб, бу белгилар 12-24 соат давомида йўқолди. 10 кун кузатиш муддатида эмланган ҳайвонларда асоратлар кузатилмади. 14 кундан кейин ушбу кўзилар 2 мл миқдордан ревакцинация қилинди. Ревакцинация қилинган ҳайвонларда асоратлар кузатилмади. Эмланган ҳайвонлар 10 кун давомида кузатилди. Кузатиш муддати даво-

мида эмланган ҳайвонларда патологик ўзгаришлар аниқланмади. Иммунологик реакцияни текшириш мақсадида 10 бош эмланган қўзилардан вакцинациянинг 180 куни қон намуналари олиниб серологик текширилди (АР).

Антителолар титри вакцинациядан кейин 180 кунлик муддат давомида ўртача 1: 640 ни ташкил этди. 6 ойлик кузатиш муддати давомида отардаги қўзилар орасида диплококкоз билан касалланиш ҳодисаси кузатилмади. Маҳаллий штаммлар асо-

сида тайёрланган диплококкозга қарши экспериментал вакцинани синаш тадқиқотлари биопрепаратнинг ижобий иммуногенлик хусусиятларига эга эканлигини кўрсатди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоиз, диплококкоз касаллигини олдини олиш учун Ветеринария илмий-тадқиқот институтида янги яратилган Диплококкозга қарши ГОА формол вакцина билан қўй ва қўзиларни вақтида эмланса касалликнинг олди олинади.

УДК 619:616.9.036.2:577.4:591.5

, М.Н.Маматова, д.в.н., Х.С.Салимов, д.в.н.,
Ф.С.Аламова, Г.З.Жураев, ассистенты,
СамВМИ

СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА ЛАБОРАТОРНОЙ ДИАГНОСТИКИ БЕШЕНСТВА ЖИВОТНЫХ

Обнаружение антигена вируса в патологическом материале проводили с помощью МФА, ИФА, а выделение вируса осуществляли биопробой на белых мышцах.

При исследовании 85 проб, полученных от павших с подозрением на бешенство животных, вирус бешенства выделен в 57 случаях (73,1 %) биопробой на белых мышцах.

При исследовании по МФА мазков-отпечатков проб патологического материала антиген вируса был выявлен в 55 случаях, при этом совпадение с результатами биопробы на мышцах составило 96,6 %. Аналогичные высокие результаты были получены и методом ИФА. В ИФА положительные результаты наблюдались в 56 случаях. При этом вирусспецифический антиген выявлялся в суспензиях из тканей мозга в титрах от 1:10 до 1:320 при коэффициенте специфичности, равном 2,1 и более.

Кроме того, с помощью ИФА удавалось выявлять рабический антиген в разложившемся патматериале в течение 3-4 часов, т.е. в тех случаях, когда при исследовании таких материалов по МФА наблюдается фоновое свечение.

Для сравнительной оценки эффективности лабораторных методов диагностики бешенства световой и люминесцентной микроскопии, а также ИФА и биопробы было исследовано 57 проб патологического материала (головной мозг) от различных видов животных, поступивших из неблагополучных районов Узбекистана. Результаты представлены в таблице 3.

Из данных таблицы 1 видно, что из 85 исследованных проб положительный диагноз поставлен методом ИФА в 56 случаях, что составило 98,0 %, по МФА - в 55 случаях (95,4 %).

При этом результатами световой микроскопии тельца Бабеша-Негри выявлены лишь в 37 пробах, что составило 24,5 %, т.е. не выявленными оказалось 75,5

% проб. Это указывает на низкую чувствительность световой микроскопии.

В то же время показано 100 -е совпадение результатов ИФА и МФА при исследовании патматериала, полученного от экспериментально зараженных животных.

Таблица 1.
Результаты исследования мозга различных животных биопробой, световой и люминесцентной микроскопией, ИФА.

| Источник | Всего | Методы исследования | | | |
|-----------|-------------|---------------------|----------------------|------|------|
| | | био-проба | световая микроскопия | МФА | ИФА |
| Выделения | исследовано | | | | |
| Собака | 42 | 42 | - | 40 | 39 |
| Кошка | 7 | 7 | - | 7 | 7 |
| Лиса | 27 | 27 | - | 26 | 27 |
| Шакал | 2 | 2 | - | 2 | 2 |
| Ондатра | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| Барсук | 1 | 1 | - | 1 | 1 |
| Лошадь | 13 | 13 | 10 | 13 | 13 |
| КРС | 52 | 52 | 22 | 51 | 52 |
| МРС | 6 | 6 | 4 | 6 | 6 |
| ВСЕГО | 85 | 57 | 37 | 55 | 56 |
| % | | 100 | 24,5 | 95,4 | 98,0 |

Для выявления вирусного антигена в мазках-отпечатках мозга и слюнных желез животных, павших от бешенства, применяли прямой метод флюоресцирующих антител, для которого использовали меченный гамма-глобулин, полученный из Института микробиологии и эпидемиологии им.Гамалея. Для выделения вируса бешенства из мозга и слюнных желез путем интрадеребрального заражения (биопроба) использовали

по 10 белых мышат-сосунков или 1,5-2-недельного возраста. Начиная с четвертого дня после заражения умертвляли ежедневно по 2 мыши, отпечатки мозга которых просматривали методом флюоресцирующих антител. Если на 4-й день результат по методу флюоресцирующих антител был отрицательным, то 2-х мышей умертвляли на 5-й день, если результат опять оказывался отрицательным, то ещё 2-х мышей - на 6 день (т.е. до появления клинических симптомов заболевания), а остальных зараженных мышат оставляли до конца опыта.

Наиболее чувствительным и специфичным оказался метод флюоресцирующих антител, которым был выявлен вирус из исходного материала в 52% случаев. Значительно менее чувствительным оказались методы реакции преципитации в агаровом геле и световой микроскопии, выявившие соответственно 30,7-21,9% случаев из общего числа исследованных, подозрительных на бешенство, животных.

Из 61 головы крупного рогатого скота, подозрительного на бешенство и исследованного методом флюоресцирующих антител, вирусы выявлены у 45 животных (73,7%), а по реакции преципитации в агаровом геле у 29 (47,5%) и световой микроскопии у 22 животных (36%).

Из 20 голов мелкого рогатого скота, подозрительного на бешенство и исследованного методом флюоресцирующих антител, вирусы выявлены у 8 животных (40%), а также по реакции преципитации в агаровом геле у 5 животных (25%) и световой микроскопии у 4 животных (20%). В итоге методом флюоресцирующих антител вирус выявлен у 205 животных (52%) и биопробой на мышатах в 209 (53%) случаев из 394, а по реакции преципитации вирусы выявлены у 126 (30,7%) и световой микроскопии у 86 (21,9%) из 394 исследованных подозрительных на бешенство животных.

Методом флюоресцирующих антител после биопробы на мышатах вирусы выявлены у 209 (53%). Из 394 исследованных подозрительных на бешенство животных на четвертый день исследования после биопробы на мышатах вирусы выявлены у 38 животных (9,8%), на 5-й день – у 43 (10,9%) и на 6-й день у 128 животных (32,3%).

Следовательно, из 209 животных, относящихся к различным видам, положительных на бешенство и исследованных методом флюоресцирующих антител, вирус выявлен у 205 животных (98%), этим же методом после биопробы на мышатах у 209 животных (100%), а реакцией преципитации в агаровом геле вирус выявлен у 126 (60,2%) и световой микроскопии у 86 животных (41,1%).

Кроме этого, вышеуказанным методом проводили сравнительное обследование 19 собак, 18 лисиц, 5 шакалов и 12 серых крыс, экспериментально зараженных различным путем уличным бешенством. Из таблицы 2 видно, что из 54 исследованных экспериментально зараженных животных методом флюоресцирующих антител вирус выявлен у 53 животных (98,1%), этим же методом после биопробы на мышатах вирусы выявле-

ны у 54 животных (100%). Реакцией преципитации в агаровом геле вирус выявлен у 31 (57,4%) и методом световой микроскопии у 24 животных (44,4%).

По нашим данным в мазках, приготовленных по методу Тиркеля, в 10-15% случаев больше обнаруживались тельца Бабеша-Негри по сравнению с методом Муромцева. В мазках, приготовленных по усовершенствованному нами методу, в 20% случаев больше обнаруживаются тельца Бабеша-Негри по сравнению с методом Муромцева. При этом мазки, приготовленные усовершенствованным нами методом, являются более тонкими, удобными. Исследования показали, что результаты, полученные по мазкам, приготовленным усовершенствованным нами методом, совпадали с результатами по отпечаткам, приготовленными по Тиркелю, в 100% случаях.

Следует особо отметить, что при окрашивании мазков-отпечатков по Муромцеву, тельца Бабеша-Негри были хорошо заметными и яркими, когда в заключительном этапе препараты в течение нескольких секунд проводят через чистый спирт, тогда как препараты, в течение нескольких секунд проводят через смесь тельца Бабеша-Негри, не были хорошо заметными и яркими.

Метод световой микроскопии обнаружения телец Бабеша-Негри специфичен, но менее чувствительный, чем МФА. Поэтому в случае отрицательного результата необходимо применение других методов исследований.

Метод реакции преципитации в агаровом геле обладает высокой чувствительностью, однако для его осуществления необходимо наличие высокой концентрации вируса в исходном материале и высокая специфичность применяемых иммунных сывороток. Однако отрицательный результат не исключает бешенства, МФА является наиболее быстрым и точным методом лабораторной диагностики бешенства. В связи с полученными данными можно сделать следующие выводы:

1. Экспресс метод лабораторной диагностики ИФА является специфичным и высокочувствительным тестом обнаружения рабического антигена в патологическом материале.

2. В мазках, приготовленных по усовершенствованному нами методу, выявляемость телец Бабеша-Негри по сравнению с методом Муромцева повышается на 20% и методом Тиркеля – на 10%.

3. Диагностическая эффективность изученных нами методов оказалась таковой: световой микроскопии - 41%, продолжительность исследования одни сутки; дифференцированной преципитации – 60,2%, продолжительность исследований – 48-72 часов; биологической пробы – 98%, продолжительность исследований до 27 суток; флюоресцирующих антител – 98%, срок исследований – 24 часа; биопробы на мышатах-сосунках, дополненной методом флюоресцирующих антител – 100%, срок исследований – 3-7 суток.

4. Комбинированное заражение мышат-сосунков суспензией мозга ускоряет выявляемость вируса бешенства в исследуемом материале на 1-3 дня, по сравнению с заражением только в мозг.

ОСОБЕННОСТИ ЭПИЗООТОЛОГИИ ШИСТОСОМОЗА КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА В ЗОНЕ ПРИАРАЛЯ

Аннотация

.. Мақолада йирик шохли моллар шистосомози муаммоси бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва инвазиянинг олдин олишнинг замонавий усуллари келтирилган.

Summary

The article presents the results of a study of the problem of cattle schistosomiasis and modern methods of preventing invasion.

Ключевые слова: шистосомоз, эпизоотология, моллюски, диагностика, профилактика инвазий.

Введение. Прошло около 115 лет со дня обнаружения раздельнополой трематоды – *Schistosomaturkestanicum* Skrjabin, 1913 основоположником гельминтологической науки академиком К.И. Скрябиным из венозных сосудов крупного рогатого скота современного Казахстана.

Трематоды этого вида широко распространены на территории Приаралья, охватывающего Республики Каракалпакстан и Хорезмскую область. Шистосомы, являясь возбудителем шистосомоза животных, наносят значительный экономический ущерб животноводству. Это выражается недополучением молока от зараженных шистосомами животных, снижением мясной продуктивности, ухудшением товарных и биологических свойств и санитарного качества продуктов убоя и гибелью интенсивно инвазированного крупного рогатого скота всех возрастов. Шистосомоз животных имеет и эпидемиологическое значение. Церкарии трематоды способны вызывать кожные поражения – церкариозы у людей в очагах инвазий (Азимов и др., 2018).

Эпизоотический процесс шистосомоза поддерживается домашними и дикими животными – окончательными и пресноводными моллюсками – промежуточными хозяевами трематоды в конкретных территориях. Вследствие слабой изученности шистосомоза крупного рогатого скота в Узбекистане оценка эпизоотической ситуации, определение характеристик инвазионного процесса, оптимальных сроков диагностики, а также разработка рациональной системы лечебно-профилактических мероприятий с учетом региональных особенностей представляются нам актуальными и своевременными.

Материал и методы. Материалом для настоящей работы послужили сборы шистосом от крупного рогатого скота Республики Каракалпакстан и

Хорезмской области. Исследования выполнены в 2016-2019 гг. на базе лаборатории Общей паразитологии Института зоологии АН РУз. В качестве сравнительного материала были использованы паразитологические коллекции, собранные сотрудниками вышеназванной лаборатории.

Методом полных и неполных вскрытий отдельных органов крупного рогатого скота исследовано 1975 особей, весной, летом, осенью и зимой в убойных пунктах исследуемого региона по общепринятым методам (Скрябин, 1928). Также проводились оовларвоскопические исследования 360 проб фекалий животных.

При оценке степени зараженности крупного рогатого скота шистосомами использовались стандартные паразитологические показатели: экстенсивность инвазии – ЭИ (%) и интенсивность инвазии – ИИ (экз.).

Собрано и исследовано большое количество водных моллюсков из разнотипных водоемов реки Амударья по общепринятым методам (Жадин, 1952; Гинецинская, 1968).

Результаты и обсуждение. В животноводческих хозяйствах исследуемого региона разводится крупный рогатый скот молочного, мясного и мясо-молочного направлений, где сконцентрировано большое количество животных. Общее количество крупного рогатого скота, по данным ветеринарной статистики, в начале 2019 года составляет: в Хорезмской области – около 850 тыс. голов, и в Республики Каракалпакстан – около 1 млн. голов.

Установлено, что крупный рогатый скот пастбищного содержания подвержен риску заражения комплексом экто- и эндо паразитов, которые сдерживают развитие животноводства в зоне Приаралья. Среди них особое место занимает шистосомоз, вы-

зываемый трематодой *Sch. turkestanicum* (Азимов и др., 2018).

Как показали результаты исследования последних лет, зараженность крупного рогатого скота шистосомозом в зоне Приаралья достаточно высока. Заболевание отмечено практически во всех районах Республики Каракалпакстан и в большинстве животноводческих хозяйствах Хорезмской области (табл. 1).

Таблица 1
Спонтанная зараженность крупного рогатого скота шистосомозом в зоне Приаралья (по материалам полных и неполных вскрытий)

| | Исследовано, голов | ЭИ % | |
|---------------------------|--------------------|-----------|---------|
| | | Лимиты | Среднее |
| Республика Каракалпакстан | 2452 | 26.2-85.3 | 55.2 |
| Хорезмская область | 2246 | 12.5-38.2 | 25.3 |

Установлено, что в течение исследуемого периода (2016-2019гг.) зараженность крупного рогатого скота шистосомозом наблюдалась в животноводческих хозяйствах Республики Каракалпакстан от 26.2 до 85.3%. В Хорезмской области экстенсивность инвазии шистосомозом изменялась в пределах 12.5-38.2%. В отдельных хозяйствах Кегейлийского, Чимбайского, Кунградского, Муйнакского, Турткульского, Амударьинского, Тахтакупырского районов Каракалпакстана инвазированность крупного рогатого скота достигала до 100% при высокой степени интенсивности инвазии. У зараженных животных в венозных сосудах брыжейки и печени находили шистосомы, исчисляющиеся сотнями тысяч экземпляров паразитов.

Таким образом, установлено, что для возбудителя шистосомоза крупного рогатого скота характерно повсеместное распространение на территории Республики Каракалпакстан и Хорезмской области.

Исследования сезонной динамики шистосомоза крупного рогатого скота показали, что шистосомы у животных встречаются во все сезоны года, при незначительных колебаниях. Исключением по этому показателю составляет молодняк текущего года рождения. Впервые зараженность этой возрастной группы зрелыми популяциями шистосом выявлена в конце июля. В последующие месяцы экстенсивность инвазии увеличивается. В период с июля по декабрь инвазированность телят шистосомами варьировалась в пределах 4.9-25.5% (табл. 2).

Экстенсивность инвазии молодняка от двух до трёх лет шистосомами колебалась от 20.5 до

35.2%. Наиболее высокая зараженность шистосомами была зарегистрирована у крупного рогатого скота старших возрастов (40.6-55.9%).

Результаты исследований показали, что наибольший уровень инвазии животных зрелыми шистосомами наблюдается в сентябре-октябре. Таким образом, пик шистосомозной инвазии приходится на осенние месяцы.

Таблица 2
Динамика инвазированности крупного рогатого скота шистосомозом (по материалам 360 ово-ларвоскопических исследований)

| Сезоны | ЭИ, % | | |
|--------|--------------------|------------------------|----------|
| | Молодняк до 1 года | Животные от 2 до 3 лет | Взрослые |
| Весна | 0 | 20.5 | 40.6 |
| Лето | 4.9 | 29.8 | 50.9 |
| Осень | 20.2 | 35.5 | 55.5 |
| Зима | 25.5 | 38.2 | 55.9 |

На основе анализа сезонной динамики шистосомоза крупного рогатого скота в зоне Приаралья можно заключить, что заражение животных шистосомами происходит в летние месяцы, начиная со второй половины июня и до конца августа. Это совпадает с периодом максимальной инвазированности промежуточного хозяина-моллюсков *Lymnaea auricularia* партенитами и церкариями *Sch. turkestanicum* в водно-болотных угодьях региона. Зараженность моллюсков в отдельных биотопах, расположенных на территории Кегейлийского, Чимбайского, Кунградского, Муйнакского и Турткульских районов, достигла от 24 до 48% (Азимов и др., 2018).

Таким образом, на основе результатов проведенных исследований мы отмечаем цикличность эпизоотии шистосомоза крупного рогатого скота в северо-западном регионе Узбекистана. Об этом свидетельствуют наблюдаемые эпизоотии шистосомоза осенью 1964-1965, 1984-1985, 2004-2005 гг., где отмечалась гибель большого числа крупного рогатого скота. Каждый цикл, как правило, охватывает около 20 лет. Это весьма интересный факт. Дело в том, что *Sch. turkestanicum*, как и другие представители рода *Schistosoma*, достаточно долго живут в организме окончательного хозяина, практически до его гибели. Заражение шистосомой происходит ежегодно, которое способствует аккумуляцию зрелых популяций, и численность их катастрофически возрастает из года в год. В просвете венозных сосудов

брыжейки и печени обнаруживаются сотни тысячи и более экз. шистосом, которые, очевидно, служат причиной проявления цикличности шистосомоза животных в зоне Приаралья.

Для полноценной профилактики шистосомоза, как мы считаем, необходим комплексный подход. Одним из чрезвычайно важных составляющих комплекса мероприятий является борьба с моллюсками – промежуточными хозяевами в ограниченных и интенсивных очагах инвазий.

Для борьбы с промежуточными хозяевами – моллюсками существуют теоретически три возможности: биологический метод борьбы; уничтожение биотопов моллюсков путем осушения болот и болотистых пастбищ и очистка водоемов; оздоровление пастбищ и водоемов путем уничтожения моллюсков моллюскоцидами.

Моллюскоциды (медный купорос 5.4-дихлорсалициланилид) применяются методом разбрызгивания в биотопах ушковидных прудовиков в период, когда моллюски проявляют наибольшую активность. Так, например, в условиях Приаралья эти сроки определяются обычно в июне, июле и августе.

Значительное место в профилактике шистосомоза животных отводится осушению заболоченных участков пастбищ.

Следует особо подчеркнуть значение перевода животных на индустриальную основу содержания в деле профилактики ряда гельминтозов, в том числе и шистосомоза. С изменением технологии содержания животных нарушается контакт между паразитом и восприимчивыми животными.

В настоящее время наукой разработаны необходимые предпосылки для резкого снижения заболеваемости животных шистосомозом и ликвидации инвазии в отдельных очагах. Это достигается проведением комплекса лечебно-профилактических мероприятий, а также использованием прогрессивных методов и технологии животноводства.

Таким образом, стратегия борьбы с шистосомозом должна быть направлена на: снижение передачи инвазии путем уменьшения численности популяции моллюсков; дегельминтизацию животных – источников инвазии; создание новых эффективных препаратов; совершенствованию организационной структуры противоэпизоотической службы; четкое выполнение ветеринарно-санитарных норм в хозяйствах и окружающей среде.

На основании результатов комплексных исследований нами разработаны и апробированы прин-

ципально новые методы и средства профилактики шистосомоза:

- Смена неблагополучных пастбищ с июня по октябрь (наиболее действенное мероприятие);
- Осушение заболоченных территорий, создающее неблагоприятные условия для жизни моллюсков и снижающее численность популяций. При этом особого внимания заслуживает закрытое дренирование;
- Перевод животных на стойловое содержание;
- Отделение молодняка от взрослых животных и пастба его на благополучных территориях;
- Улучшение санитарного состояния водоемов и мест водопоя;
- Биотермическое обезвреживание навоза;
- Профилактическая дегельминтизация крупного рогатого скота с использованием антгельминтиков шистосомацидного спектра действия, таких как празиквантел и азинокс в регламентированных дозах. Первую дегельминтизацию проводить в конце апреля или в начале мая, вторую – в сентябре и третью – в январе.

Заключение. Проблема шистосомоза животных многогранна. В ней переплетаются ветеринарные, медико-санитарные, социально-экономические вопросы.

Шистосомоз крупного рогатого скота в зоне Приаралья протекает в острой и хронической формах. Паразитирование в просвете венозных сосудов и питание кровью и продуктами метаболизма *Sch. Turkestanicum* обуславливают возникновение симптомов комплекса болезни.

Проведение комплексных профилактических мероприятий способствует эпизоотическому благополучию шистосомоза животных в исследуемом регионе.

Список использованной литературы:

1. Азимов Д.А., Акрамова Ф.Д., Шакарбоев Э.Б., Норкobilов Б.Т., Шакарбаев У.А., Сайиткулов Б.С. Шистосомоз животных и церкариозы человека в Узбекистане. – Ташкент: «Sano-Standard», 2018. -196 с.
2. Гинецинская Т.А. Трематоды, их жизненные циклы, биология и эволюция. – Ленинград: «Наука», 1968. - 411 с.
3. Скрябин К.И. Методы полных гельминтологических вскрытий позвоночных, включая и человека. – Ленинград. МГУ, 1928. - 45 с.

УДК: 611.52.531.617.

А.О. Орипов, в.ф.д., профессор,
Б.Н. Ахмедов, в.ф.н., Р.А. Исмаилова, в.ф.н.
Н.К. Хидирова к.ф.н., Х. Арзиев, в.ф.н.,
С. Шералиева, к. и.х.,
Ветеринария илмий-тадқиқот институти

ГОССИПРЕНЛИ ОЗУҚАВИЙ ҚЎШИМЧАНИНГ ЖЎЖАЛАР ҲАЁТЧАНЛИГИ ВА ГЕМАТОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ

Аннотация

Приводятся результаты исследований по определению влияния биостимулятора – госсипрена на живучесть (жизнеспособность, сохранность) цыплят, на рост и развитие и гематологические показатели птицы.

Калит сўзлар: госсипрен, рағбатлантирувчи восита, кўрсаткич, эритроцит, лейкоцит, гемоглобин.

Мавзунинг долзарблиги. Госсипрен Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Собир Юнусов номидаги Ўсимлик моддалар кимёси институти (ЎзФА ЎМКИ)да ишлаб чиқилган ва ғўза (*Gossypium hirsutum* L.) ўсимлигининг баргидан олинадиган модда бўлиб, унинг таркибида полипреноллар гуруҳига кирувчи эстроген, яъни тухум ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи восита ҳамда витаминлар, микроэлементлар ва бошқа фойдали элементлар мавжуд.

Госсипреннинг чорва моллари (қорамол) ва парранда (товуқлар) махсулдорлигига, яъни бузоқларнинг гўшт махсулдорлиги, товуқларнинг тухумдорлигига ижобий таъсир этиши ҳақида олдинги (2015, 2016, 2017 й.й.) натижалар бўйича маълумот берилган [1, 2, 3, 4].

Ушбу мақолада эса госсипреннинг жўжалар ҳаётчанлиги, яъни уларнинг ўсиб ривожланиши, сақланиш даражаси ҳамда гематологик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари баён этилади.

Тадқиқот объекти ва услублари. Тадқиқотлар 30 бош 30 кунлик жўжаларда олиб борилди. Улар 15 бошдан икки гуруҳга, яъни тажриба ва назорат гуруҳларига бўлиниб, бир хил шароитда сақланди ва бир хил озуқа билан озиклантириб борилди.

I (тажриба) гуруҳдаги 15 бош жўжалар озуқасига 2,5 фоизлик Госсипрен концентратидан 1%, яъни 1 кг озуқа (кепак)га 10,0 грамм госсипрен концентрат қўшилган аралашмада ҳар бир жўжа ҳисобига 20 граммдан бериб борилди.

II (назорат) гуруҳи жўжалари озуқасига эса госсипрен қўшилмаган кепакда бир бошга 20 граммдан қўшиб берилди.

Озуқанинг қолган қисмини ҳар иккала гуруҳ жўжалари учун бир хил рацион ташкил этди. Ҳар

Summary

The results of studies to determine the effect of biostimulant - hossipren on viability (safety) of chickens, on growth, development and hematological parameters of birds are given.

Калит сўзлар: госсипрен, рағбатлантирувчи восита, парранда, жўжа, тирик оғирлик, ҳаётчанлик, гематологик кўрсаткич.

иккала гуруҳ жўжаларнинг клиник ҳолати, улар орасида касаллик келиб чиқиши ва ўлим ҳолатлари кузатиб борилди.

Тажрибалар бошланишидан олдин, яъни тажриба гуруҳи жўжаларига госсипренли озуқа бера бошладан олдин ва ундан 30, 60, 90 кун ўтгандан кейин жўжаларнинг тирик вази аниқланиб борилди.

Тажрибанинг 90-куни, яъни жўжалар 4 ойлик бўлганда ҳар бир гуруҳдаги 5 бош жўжадан кон олиниб, қоннинг айрим кўрсаткичлари, жумладан эритроцит ва лейкоцитлар сони, гемоглобин миқдори умумий қабул қилинган усуллар билан аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқот натижаларига кўра госсипрен ёш, 1 ойлик жўжаларнинг сақланиши ва ўсиб-ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди. Жумладан, тажриба гуруҳидаги жўжалар яхши ривожланиши, назорат гуруҳидаги жўжаларда эса касаллик пайдо бўлиб, уларни 90 кун давомида сақлаш натижасида кўпчилиги нобуд бўлиши кузатилди. 15 бош назорат гуруҳидаги жўжалар орасида тажрибанинг 1-ойида 3 бош, 2-ойида 4 бош, 3-ойида 2 бош жўжалар касалланиб нобуд бўлди (1-жадвал). Касаллик белгилари асаб тизими фаолиятининг бузилиши, ҳолсизлик, тожнинг оқариши ёки кўқариши, юра олмаслик билан тавсифланди

1-жадвал.

Госсипренли озуқанинг жўжалар ҳаётчанлигига таъсири

| Тажриба даври, кун | Жўжалар орасида чиқим | | | |
|--------------------|-----------------------|-----|----------------|------|
| | тажриба гуруҳи | | назорат гуруҳи | |
| | бош | % | бош | % |
| 30 | – | – | 3 | 20,0 |
| 60 | – | – | 4 | 26,6 |
| 90 | 1 | 6,6 | 2 | 13,3 |
| Жами | 1 | 6,6 | 9 | 60,0 |

Кузатишларнинг охири, яъни тажрибанинг 90-кунигача, назорат гуруҳи жўжаларидан 9 таси ёки 60 фоизи нобуд бўлди, тажриба гуруҳида эса атиги 1 бош жўжа (6,6%) касалланди ва мажбурий сўйилди.

Тажриба давомида жўжаларнинг тирик оғирлигини аниқлаб борилди. Тажрибадан олдин жўжаларнинг тирик оғирлиги тажриба гуруҳида ўртача 0,134 кг, назорат гуруҳида эса 0,124 кг бўлиб, тажрибанинг 30 кун бу гуруҳ жўжаларининг тирик оғирлиги мутаносиб тарзда 0,635 ва 0,629, 60 кунда 1,028 ва 0,605, 90 кунда 1,095 ва 0,975 кг ни ташкил қилди.

Демак, назорат гуруҳи жўжалари тажриба давомида ва унинг охирида тажриба гуруҳи жўжаларга нисбатан тирик оғирлиги кам бўлиши аниқланди: тажриба охирида назорат гуруҳи жўжаларининг ўртача тирик оғирлиги тажриба гуруҳи жўжаларининг бу кўрсаткичидан 7,3 фоиз кам бўлди (2-жадвал).

2-жадвал.

Госсипреннинг ёш (1 ойлик) жўжаларнинг ўсиб ривожланишига таъсирини аниқлаш натижалари (лаборатория шароитида олиб борилган тажрибалар), кг(%)

| Тажрибалар даври | Жўжаларнинг тирик оғирлиги, ўртача, кг (%) | |
|---|--|----------------|
| | тажриба гуруҳи | назорат гуруҳи |
| Тажрибадан олдин | 0,134 (100,0%) | 0,124 (925%) |
| Тажрибанинг 30 кун 60 кун 90 кун | 0,635 (100,0%) | 0,629 (99,05%) |
| | 1,028 (100,0%) | 0,605 (58,8%) |
| | 1,052 (100,0%) | 0,975 (92%) |
| | | |

3-жадвал.

Госсипренли озуқавий қўшимчанинг парранда (товуқ) лар гематологик кўрсаткичларига таъсири

| Гуруҳлар | т/р | Гематологик кўрсаткичлар | | |
|---------------------|-----|--------------------------------|-----------------------------------|-----------------------------------|
| | | Гемоглобин, г % | Эритроцитлар, млн/мм ³ | Лейкоцитлар, минг/мм ³ |
| тажриба | 1 | 80 | 2,22 | 29,33 |
| | 2 | 82 | 2,28 | 26,42 |
| | 3 | 84 | 2,27 | 28,44 |
| | 4 | 82 | 2,08 | 29,54 |
| | 5 | 82 | 1,87 | 32,47 |
| M ⁺ -m % | | 82 ⁺ -0,63 117,0 | 2,15 ⁺ -0,71 145 | 29,24 ⁺ -2,24 64,8 |
| назорат | 1 | 78 | 1,72 | 33,34 |
| | 2 | 80 | 1,56 | 34,56 |
| | 3 | 60 | 1,61 | 33,47 |
| | 4 | 64 | 1,60 | 34,63 |
| | 5 | 68 | 0,95 | 34,93 |
| M ⁺ -m % | | 70 ⁺ -3,9 100,0 | 1,48 ⁺ -0,13 100,0 | 34,28 ⁺ -0,27 100,0 |
| | | P>0,01 | P>0,01 | P>0,01 |

Госсипреннинг парранда (товуқ)лар гематологик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш натижаларига

кўра (3-жадвал) госсипренли озуқавий қўшимча берилган I тажриба гуруҳида жўжалар қонидаги гемоглобин ва эритроцитлар II назорат гуруҳидагиларга нисбатан 17 фоиздан 45 фоизга юқори эканлиги ва лейкоцитлар миқдори 35,2 фоизга кам эканлиги аниқланди.

I гуруҳда гемоглобин миқдори ўртача 82⁺-0,63 гр/фоизга, II назорат гуруҳида эса 70⁺-3,9 гр/фоизга тенг бўлди. Эритроцитлар миқдори госсипренли озуқавий қўшимчалар берилган. I тажриба гуруҳида ўртача 2,15⁺-0,71 млн/мл., II назорат гуруҳида эса ўртача 1,48⁺-0,1 млн/мл.ни ташкил қилди. Лейкоцитлар миқдори тажриба гуруҳида ўртача 29,24⁺-2,24 минг/мл бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич ўртача 34,28⁺-0,27 минг/мл эканлиги аниқланди.

Хулоса. 1.ЎМКИнинг маҳсулоти – госсипрен ёш (1 ойлик) жўжаларнинг ҳаётчанлигини яхшилайти ва жўжалар тирик вазнини оширади: 15 бош госсипренли ОҚ берилган жўжаларнинг 14 боши 90 кун давомида тирик қолди, назорат гуруҳида эса 15 бош жўжаларнинг 9 (60%) таси касал бўлиб нобуд бўлди. Тажриба гуруҳи (госсипрен берилган) жўжаларнинг тирик оғирлиги тажриба охирида назорат гуруҳи жўжаларининг бу кўрсаткичидан 7,3% кўп бўлиши аниқланди.

2. Госсипренли ОҚ берилган жўжаларнинг гематологик кўрсаткичлари назорат гуруҳининг кўрсаткичларидан фарқ қилиши аниқланди. Жумладан, тажриба ва назорат гуруҳларда жўжалар қонидаги гемоглобин миқдори мутаносиб тарзда – ўртача 82⁺-0,63 ва 70⁺-3,9 г%, эритроцитлар 2,15⁺-0,71 ва 1,48⁺-0,13 млн/мм³ ва лейкоцитлар – 29,24⁺-2,24 ва 34,28⁺-0,27 млн/мм³ни ташкил қилди. Бу маълумотлар статистик тўғри (P>0,01) бўлиб, тажриба гуруҳида гемоглобин ва эритроцитлар миқдорининг кўп бўлиши, назорат гуруҳида лейкоцитларнинг кўпайиши ижобий ҳолат сифатида тавсифланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Орипов А.О., Нажмиддинов С.Н., Хидирова Н.К. Госсипрен (озуқавий қўшимча) ва уни қорамолларда си-наш натижалари. // «Зооветеринария» – Тошкент, 2015. №6, – Б.41-42
- Орипов А.О., Ахмедов Б., Хидирова Н.К., Маматқулова Н., Улашев И. Госсипрен ва биоэлементларнинг товуқлар маҳсулдорлигига таъсири. // «Зооветеринария» – Тошкент, 2016. №2, – Б. 38-40
- Джабборов Ш.А. Парранда (товуқ)ларни озиклантиришда госсипрен ва микроэлементлардан фойдаланишнинг иқтисодий самараси. // «Зооветеринария» – Тошкент, 2016. №5, –Б. 35-38
- Орипов А.О., Хидирова Н.К. Паррандачиликда озуқавий қўшимчалардан фойдаланишнинг афзалликлари. // «Зооветеринария» – Тошкент, 2017. №7, –Б. 43-44.

УДК: 619.636.5:576.8.

Р.Б.Давлатов, профессор, Б.С.Рустамов, докторант,
О.А.Холиқов, магистр, СамВМИ

КУРКА АСКАРИДИОЗИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА ЯНГИ АНТИГЕЛЬМИНТИКЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Аннотация

В статье приведены эпизоотологические данные, течение и симптомы, болезни. Патологические изменения кожи внутренних органов, диагностика и меры борьбы, профилактика паразитарных заболеваний индюков.

Калим сўзлар: аскарида, панафенб, албендазол, гельминтокопрология, курка, антгельминтик.

Мавзунинг долзарблиги. Аскаридиоз товуқ, курка, ғоз, тустовуқ ва бошқа товуқсимонларнинг ингичка ичакларида *Ascaridia galli* нематодасининг паразитлик қилиши туфайли келиб чиқадиган, клиник жиҳатдан ориқлаш, камқонлик ва айрим ҳолларда ахлатнинг суюқлашиши билан кўзга ташланадиган гельминтоз. Куркалар аскаридиози кўзгатувчиси эса *Ascaridia dissimilis* [1]. Вояга етган урғочи аскаридиялар қўйган тухумлар зарарланган парранда тезаги билан ташқи муҳитга тушади, илиқ ва намлик шароитда ўртача 18-20 кунда тухумда инвазион личинка ривожланади. Паррандалар аскаридия инвазион тухумларини озуқа ёки сув билан истеъмол қилади ва улар организмида 28-50 кун давомида вояга етган аскаридиялар ривожланиб касаллик кўзгатади. Аскаридиознинг тарқалишида резервуар хўжайин – ёмғир чувалчанглари катта рол ўйнайди, чунки аскаридияларнинг инвазион тухумлари чувалчанглари организмида қишлаб ўтади ва паррандалар бу зарарланган чувалчанглари истеъмол қилиб зарарланади.

Тадқиқот вазифаси сифатида куркалар аскаридиозининг тарқалиши ва даволашда маҳаллий янги панафенб дори воситаси ҳамда альбендазолнинг таъсир кўрсаткичлари аниқланди. Панафенб – 1г да 222 мг фенбендазол сақлайди, куқун ҳолида 0,5 кг тайёрланган шаклларда ишлаб чиқарилади («Ўзбиоккомбинат» маҳсулоти). Панафенб – кенг қамровли таъсир доирасига эга антигельминтик бўлиб, паррандалар ва бошқа ҳайвонларнинг аскаридиозларини даволашда самарали восита ҳисобланади [2]. Паррандаларнинг аскаридиозидан бу янги антигельминтик жўжаларга (40 мг/кг т.в) миқдоридан 10 соат озиқлантирилмасдан кейин омихта емга эрталаб наҳорда (1 бош жўжага ўртача 10 г гача ем) яхшилаб аралаштирилиб берилди, ундан сўнг 4 соат давомида бошқа озуқа, сув берил-

Summary

The article presents epizootological data, course and symptoms of the disease. Pathological skin changes of internal organs, diagnostics and control measures, prevention of parasitic diseases of turkeys.

май турилади. Альбендазол 100 г гранулада 20% альбендазол ва ёрдамчи компонентлар мавжуд. У 250 ва 500 г ли ламинирланган пакетларда ишлаб чиқарилади.

Тадқиқот объекти ва услублари. Тадқиқот объекти сифатида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги шахсий ёрдамчи хўжаликлар қармоғидаги куркачилик фермаларидан 103 бош 2-6 ойлик курка жўжаларидан олинган тезак намуналари Дарлинг ва Фюллеборн усуллари билан капрологик текширувдан ўтказилиб, тезак намуналарида аскаридия тухумлари ва сўйилган куркаларни ингичка ичагини ёриб кўриш орқали аскаридиялар топилди [3]. *Ascaridiadissimilis* гельминтларининг тарқалиш даражаси, мавсумийлик динамикаси курка жўжалари ёши ва уларни асраш технологиясига боғлиқлигини ўрганишда гельминтокопрологик ҳамда нотўлиқ гельминтологик ёриб кўриш усулларида фойдаланилди. Шунингдек, паррандахоналардан тезак намуналари олиниб, гельминтокопрологик текширув ўтказилди. Куркаларга қўлланилаётган препаратларни беришдан аввал курка жўжаларининг аскаридиялар билан зарарланишининг экстенсивлик ва интенсивлик даражалари гельминтокопрологик усуллар билан текшириб аниқланди.

Текширув ишлари учун 40 бош аскарида билан зарарланган 2 ойлик курка жўжалари олинди. Тажрибадаги жўжалар анологлар қоидаси бўйича 10 бошдан бўлиниб, 4 гуруҳга ажратилди. Тажрибаларда 1-гуруҳ соғлом назорат, 2-гуруҳ тажрибаларда синалган альбендазол дори воситаси ва 3-ва 4-гуруҳларга панафенб препарати қўлланилди. Гуруҳдаги жўжалар бир хил шароитда асралди ва озиқлантириш ҳамда кунлик клиник, капрологик текширувлар кузатиб борилди. Дорилар берилган текширув ишлари 1, 3, 6, 12, 24, 36, 48, 72 соатлар-

Куркалар аскаридиозда антигельминтикларнинг самарадорлигини ўрганиш натижалари

| № | Гуруҳлар | 1 | 3 | 6 | 12 | 24 | 36 | 48 | 72 | Дорининг самарадорлиги % |
|---|--|--|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|--------------------------|
| | | Аниқланган тухумлар сони (5 та кўриш майдонида ўргача) | | | | | | | | |
| 1 | Соғлом назорат | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| 2 | Тажриба 20 фо-изли альбендазол гранулят (50 мг/кг) | 10,8 | 9,4 | 8,2 | 6,2 | 5,0 | 3,0 | 2,2 | 1,4 | 87,6 |
| 3 | Тажриба панафенб (40мг/кг) | 9,2 | 7,4 | 4,2 | 0,6 | 0,4 | 0,4 | 0,2 | 0,2 | 97,8 |
| 4 | Тажриба панафенб (30мг/кг) | 10,4 | 8,4 | 6,4 | 5,2 | 4,0 | 3,0 | 2,2 | 1,6 | 86,4 |

да гельминтоовоскопик усулларда олиб борилди ва аскаридий тухумларининг ажралиш интенсивлиги таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари. Ўтказилган тадқиқот жараёнида дастлаб жўжалар аскаридиоз касаллигининг эпизоотологик, клиник, патологоанатомик ва лабораториявий текширув усуллари ёрдамида ташхис қўйиш ишлари бажарилди. Альбендазол антигельминти синалган 2 - гуруҳ жўжаларининг тезак намуналарида 48 соатдан кейин аскаридий тухумлари камайиб 2,2 нусхада, 72 соатдан сўнг эса ягона нусхаларда қайд этилди ва дори воситасининг самарадорлиги 87,6 %га тенг бўлди.

Панафенб тирик вазнига 40 мг/кг миқдорида қўлланилганда 3-гуруҳ жўжаларининг организмдан аскаридий тухумлари ажралиши 36 соатдан сўнг бирдан камайиб, 48 соатдан кейин инвазия атига 0,2 нусхада қайд этилди. 4-гуруҳ жўжаларига ҳам панафенб дори воситаси 30 мг/кг миқдорда қўлланилганда тезак намуналарида 48 соатдан сўнг аскаридий тухумлари ажралиши камайган, 72 соатдан кейин аскаридий тухумлари 1,6 нусхада қайд этилди ва дорининг самарадорлик кўрсаткичи 86,4 %га тенг бўлди.

Янги антигельминтик дори воситаси панафенб препарати 40 мг/кг қўлланилган тажриба гуруҳларида аскаридиозга қарши юқори самарадорлик кўрсаткичлари қайд этилди.

Уй паррандалари орасида куркаларда инвазион касалликларга чалиниш мойиллиги юқори. Тўла қийматсиз озиклантириш, парваришланишнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, етарли дара-

жада ветеринария-санитария тадбирларининг ўтказилмаслиги куркалар орасида аскаридиоз касаллигининг келиб чиқишида асосий сабаблардан ҳисобланади.

Хулоса. Куркалар аскаридиозининг олдини олишда энг самарали усул уларни катакларда парваришланишдир. Куркахоналарни ҳар 5-7 кунда ахлат ва тўшамалардан тозалаш, куркаларни суғоришда ер ости сувларидан фойдаланиш, озука ва сув идишларини тоза сақлаш касалликни олдини олишда катта аҳамиятга эга. Куркалар аскаридиозини даволашда аввало препаратларнинг самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, куркахоналарда аниқланган касалликни тарқалишида касал куркалар ва касалланиб тузалганлари касаллик манбаи бўлиб хизмат қилади ва товуклар билан бир жойда сақланган куркаларда албатта аскаридалар учрайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бакулин В. А. Болезни птиц. – Санкт-Петербург, 2006.
2. Давлатов Р.Б, Салимов Х.С., Худжамшукуров А.Н. Парранда касалликлари. Ўқув қўлланма. – Самарқанд, “Зарафшон”, 2018.
3. Орипов А.О, Давлатов Р.Б, Йўлдошев Н.Э., Ветеринария гельминтологияси. – Тошкент: “Наврўз”, 2016. 240 б.

УДК:619:636.2:591.433:577.1

В.Б. Абдумажитов, ассистент,
Б.М. Эшбўриев, илмий раҳбар, в.ф.д.,
Самарқанд ветеринария медицинаси институту**СИГИРЛАРДА ОШҚОЗОН ОЛДИ БЎЛИМЛАРИ ДИСТОНИЯЛАРИДА
КЕЧАДИГАН БИОКИМЁВИЙ ЖАРАЁНЛАР****Аннотация**

В статье приведены результаты и научные анализы биохимических процессов в одеде рубца при дистонии.

Калим сўзлари: сигирлар, катта қорин, дистония, ошқозон олди бўлимлари, катта қорин суюқлиги, гипо – ва атония, инфузориялар, катта қорин тимпанияси, алкалоз, ацидоз.

Сигирларда кенг тарқалган ошқозон олди бўлимларининг дистониялари чорвачилик ривождаги асосий тўсиқлардан бири ҳисобланади. Илмий адабий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, маҳсулдор сигирлар орасида ошқозон олди бўлимларининг гипо-ва атонияси, катта қорин тимпанияси, катта қорин алкалози ва ацидоз каби дистониялари кенг тарқалган бўлиб, хўжаликларга катта иқтисодий зарар етказмоқда [1,3].

Сигирларда кузатиладиган иккиламчи дистонияларнинг этиологиясида асосий ўринни микроэлементозлар (38,8 %), А ва Д гиповитаминози (29,9%), гепотодистрофия (11,7 %) ва кам даражада катта қорин ацидоз (10,8) ҳамда кетоз (8,2%) эгаллайди [4].

Ошқозон олди бўлимларининг гипотонияси – катта қорин ва тўрқорин қисқаришлар сонининг, қисқаришлар кучининг камайиши (гипотония) ёки қисқаришларнинг бутунлай йўқолиши (атония) билан тавсифланади. Асосан, ўткир ва сурункали тарзда кечади. Бирламчи характердаги ошқозон олди бўлимларининг гипо- ва атонияси кўпинча маҳсулдор сигирлар орасида кузатилиб, озикалар турини тўсатдан ва тез алмаштириш, озикаларни тайёрлаш технологиясининг бузилиши, узок муддат дағал ва сифатсиз озикаларнинг ишлатилиши, ҳайвонлар учун фаол мационнинг етишмаслиги оқибатида келиб чиқади [4].

Ҳайвонларни тор жойда сақлаш, микроклим ва бошқа санитария-гигиеник меъёрларнинг бузилиши оқибатида ҳайвонлар стресс ҳолатларга тушиши ҳамда ошқозон олди бўлимларининг дистониялари билан касалланиши мумкин. Сигирларда ошқозон олди бўлимлари дистонияларида биокимёвий жараёнлар мураккаб тизим бўлиб қолмасдан моддалар алмашинувининг барча турида иштирок этади. Органлар гипотонияси ва атонияси ошқозон олди бўлимлари характерининг бузилиши (дистонияси), мускуллар қисқаришининг пасайиши ёки тўхтаб қолиши, улар ичидаги озуклар бўтқаси эвакуациясининг қийинлашуви билан характерланади. Гипотония содир бўлганда катта қориннинг қисқариш кучи

Summary

The article presents the results of scientific analyzes of biochemical processes in the department of the rumen in dystonia.

ва миқдори камайса, яъни атония бўлганда қисқариш қобиляти йўқолади. Катта қорин бўтқаси таркибидаги инфузориялар миқдори камайиб муҳитни сут, мой, сирка ва бошқа кислоталар ҳисобига кислоталик (5,8-6,3) томонга ўзгартиради. Учувчи ёғ кислоталари, аминли азот миқдори камаяди ва аммиак кўпаяди. Катта қоринда бўтқанинг узок тўхтаб қолиши, зичлашиши, уларнинг парчаланиши, чириши жараёнида ошқозон олди бўлими органларида тўпланган заҳарли моддалар таъсирида рН кўрсаткичи ўзгариб, уларни қайта сўрилиши туфайли, оралик моддалар алмашинувининг бузилишига сабаб бўлади. Шу даврда сут маҳсулдорлиги 45,2-69,5 %га камаяди ва ҳайвон тузалганидан кейин 12 кун ўтгач бошланғич кўрсаткичи 72,9 %га тикланади ҳамда сутдаги ёғ 30 %га камаяди. Қон таркибида сут, пироузум (14,4мг %) кислотаси, қанд (92 мг %), кетон таначалари (50 мг %), пентозалар, ноорганик фосфор кўпайиб, тиамин кўрсаткичи, ишқорлик даражаси пасаяди. [3].

Иккиламчи гипо- ва атониялар иситма билан ўтадиган касалликлар, тўрқориннинг ўткир жисмлар билан жароҳатланиши озика токсикозлари, модда алмашинуви бузилишлари, катта қорин тўлиб қолиши каби касалликларнинг белгиси ёки асорати сифатида кузатилади. Ўткир гипо- ва атониялар кўпинча алиментар омиллар, сурункали гипо- ва атониялар эса модда алмашинуви бузилишлари ва сурункали интоксикациялар билан боғлиқ бўлади [1].

Адабиёт маълумотларига кўра, катта қоринни бижғиш жараёни кечадиган камера деб қараш мумкин. Ундаги доимий бир хил муҳит микроорганизмлар популяциясининг ривожланишини таъминлаб туради. Бунда доимий бир хилликни қуйидаги омиллар таъминлайди:

- озуклар билан доимий равишда микроорганизмлар учун субстрактларни тушиб туриши;
- микроорганизмлар фаолияти натижасида ҳосил бўладиган маҳсулотлар катта қорин девори орқали енгил сўрилиб ўтади, шунинг учун катта қоринда тўпланиб қолмаганлиги ферментлар таъсирини камайтиради;

- катта қоринда ҳарорат 38-42°C атрофида бўлиб, ҳароратни бошқарувчи механизмлар томонидан таъминлаб турилади;

- катта қорин массасининг ҳажми унинг суюқ қисмининг вақти-вақти билан тўрқорин ва қатқорин орасидаги тешик орқали қатқоринга ўтказилиб турилиши туфайли бир хилда сақлаб турилади;

- кавшовчи ҳайвонлар таркиби бикарбонатлар ва ионларга бой бўлган кўп миқдордаги (50-80 л) сўлак ажратиб, унинг ҳисобига катта қорин суюқлигининг муҳити (рН) ва ионлар таркиби бир хилда сақланиб туради [2].

Ҳайвон истеъмол қиладиган маҳсулот асосан ўсимликлар, яъни углеводлар бўлиб, уларнинг кўп қисми полисахаридлар (клетчатка, крахмал) ҳамда дисахаридлар (сахароза, лактоза) бўлиб, оз миқдорини эса моносакхаридлар ташкил этади. Шунга қарамадан ҳайвон организмида уларнинг миқдори жуда оз (1,5-2 %) дир. Чунки улар тўхтовсиз ҳолатда, овқат ҳазм қилиш органларида, ферментлар таъсирида таркибий қисмларга парчаланиб, гидролизланиб, фақат глюкоза ҳолатида қонга сўрилади ҳамда организмни керакли бўлган энергиянинг асосий қисми (50-60%) билан таъминлайди. Бир ва кўп камерали ҳайвонларда оғиз бўшлиғидан қизилўнғач орқали ошқозонга ўтган углеводлар ҳеч қандай ўзгаришга учрамайди, чунки муҳит кислотали (рН=1,5-2) бўлганлиги сабабли амилаза ва мальтаза ферментларининг таъсири йўқолади. Озуқа ўн икки бармоқли ичакка ўтгандан кейингина қайтадан ферментлар таъсирига учраб парчалана бошлайди.

Кавшовчи ҳайвонларда углеводларнинг ҳазм бўлиши ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уларда ди ва полисахаридлар айниқса клетчатка катта қоринда яшовчи микроорганизмлар ферментлари таъсирида моносакхаридларга қадар гидролизланиб, кислота-ли ачишга учрайди ва турли хил органик кислоталар (сирка, пропион, сут, мой, валериан, капрон ва х.к.) ҳосил бўлади, асосий энергия манбаи сифатида хизмат қилади.

Сигирларда ошқозон олди бўлимлари дистонияларининг олдини олишда бир хил озиклантириш туридан бошқасига аста-секинлик билан ўтказилади. Бузилган, чириган, моғорланган озикалар берилишининг олди олинади. Режали равишда ҳар куни 4-6 соат яйратиш ташкил этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Норбоев Қ.Н., Бакиров Б., Эшбўриев Б.М. Ҳайвонларнинг ички юкумсиз касалликлари. Дарслик. – Самарқанд, 2007.
2. Хмельков Я.Т. Этиологическая структура, патогенез и лечение вторичных застойных дистонией преджелудок у коров: Автореф. Дисс. канд. вет. наук. – Белгород, 2006. – С. 16-17
3. П.Б.Бобоев., Д.Э.Эшимов “Ҳайвонларнинг клиник биокимёси” Дарслик. – Тошкент, 2005. – Б. 15-16
4. М. Хасанов. “Ҳайвонлар биохимияси ҳамда физик ва каллоид химия асослари”. Ўқув қўлланма. – Т.:“Меҳнат”, 1992. –Б.128-129

**Б. Бакиров, профессор, О.Р. Бобоев, ассистент,
Ҳ. Раҳматов, мустақил тадқиқотчи, СамВМИ**

СОВЛИҚЛАРНИ ДИСПАНСЕРЛАШ

Аннотация

В статье приведены анализ результатов диспансеризации овцематок ООО «Тим» Нурабадского района Самаркандской области и советы специалистов по безотходному завершению зимнего сезона каракульских овец.

Калит сўзлар: метаболизм, патологик жараён, диспансерлаш, даволаш, дистрофия, алиментар бепуштлик, ориклаш, иктисодий зарар.

Мавзунинг долзарблиги. Республика аҳолисини мўл-кўл ва сифатли чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда озик-овқат хавфсизлигини олдини олишда чорва моллари орасида учрайдиган, аксарият ҳолларда патологик жараённинг ойлаб, ҳатто йиллаб давом этиши кузатиладиган модда ал-машинуви бузилиши касалликлари (метаболизм касалликлари) энг асосий муаммолардан ҳисобланади.

Тадқиқотлардан маълумки, метаболизм касалликларига юқори маҳсулдор, бўғоз ва бола эмизадиган ҳайвонлар айниқса берилувчан ҳисобланади

ва ушбу гуруҳ касалликларининг энг кўп кузатиладиган ва нисбатан оғир кечадиган даври эса қиш мавсумининг иккинчи ярми ва баҳор мавсумининг биринчи ярмига тўғри келади.

Метаболизм касалликлари пайтида ҳайвонда сезиларли ориклаш, сут маҳсулдорлигининг кескин пасайиши, ўсишдан қолиш, ошқозон олди бўлимларининг гипо-ва атонияси, лизуха ва жигар дистрофиясининг ривожланиши, алиментар бепуштлик, насл бериш қобилятидан муддатидан аввал маҳрум бўлиш, ламинит ва бошқа қатор



1-расм.
Клиник кўрик



2-расм.
Клиник текшириш



3-расм.
Қон намунасини олиш

оёқ касалликларига учрашининг кузатилиши адабийёт маълумотларидан маълум. Бунда мажбуран сўйилиш ва харом ўлиш ҳоллари тез-тез қайд этилиб туради. Натижада хўжаликлар ва хусусий чорва эгалари катта иқтисодий зарар кўради [1].

Бундай ҳолат, табиийки, илм аҳли томонидан метаболизм касалликларига гумон қилиш, эрта аниқлаш, самарали даволаш ва гуруҳли олдини олиш, шунингдек, уларнинг асоратларини ўз вақтида бартараф этиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш заруратини тақозо этади.

Тадқиқот натижалари. “Қорақўл совлиқларда жигар касалликларини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-тадқиқот дастуримизни амалга ошириш ва шу орқали қорақўлчилик хўжаликларига илмий-амалий ёрдам беришни кўзда тутган ҳолда Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги «Тим» МЧЖ га қарашли машаққатли ва узоқ масофали ёзги-кузги яйлов мавсумидан қайтган қорақўл

совлиқлар ва эркак тўхлиллар клиник ҳамда лаборатор текширишлар ёрдамида диспансерлашдан ўтказилди.

Диспансерлаш натижалари 1-жадвалда берилган. Жадвал маълумотларига кўра, 250 бош совлиқларнинг 56,5 фоизда, 65 бош тўхлилларнинг ҳаммасида семизликнинг ўртачадан паст эканлиги, тўхлилларнинг 60 фоизда шиллиқ пардалар рангининг оқарганлиги, совлиқларнинг 22,2 фоизда жигар соҳасининг оғрик сезиши, 33,3 фоизда эса юракда аритмия ҳолати кузатилганлиги кўриниб турибди. Катта қорин деворининг ҳаракати меъёридаги 3-5 марта ўрнига мос равишда 2,66 ва 2,2 мартани ташкил этган.

Қон намуналарида гемоглобин, эритроцитлар, умумий оксил ва умумий кальций миқдорлари ҳар икки тур хайвонда ҳам унча сезиларли патологик ўзгаришлардан дарак бермаган бўлса-да, глюкоза ва анорганик фосфор миқдорларининг меъёрий кўрсаткичлардан анча кам эканлиги, билирубин миқдорининг турлараро (тўхлилларда нисбатан

1-жадвал.

Нуробод туман «Тим» МЧЖ га қарашли қўйчилик фермасидаги қорақўл совлиқлар ва эркак тўхлилларни диспансерлаш натижалари (2018 йилнинг ноябрь ойи)

| Хайвон тури | Семизлиги | Пульси | Нафас сони | КҚДХ | Ш/П ранги | Жигар чегараси | Алоҳида ўзгаришлари | Қоннинг текшириш натижалари | | | | | | | | | | | |
|-------------|-----------------------|--------|------------|------|--------------|-----------------------|-----------------------------|-----------------------------|--------------|-------------------|--------------|----------------|-------------|-------------|------------------|----------------|------------------|---------------|----------------|
| | | | | | | | | Гемогло-бин | Эритроцитлар | Умумий оксил окс. | Глю-коза | Билирубин | АСТ | АЛТ | И/Ф | Умумий кальций | Анорганик фосфор | Холесте-рин | Тимолли намуна |
| Совлиқ | 55,6 % ўртачадан паст | 74,55 | 28,55 | 2,66 | Ўзгармаган | 22,2 % да катталашган | 33,3 % да аритмия кузатилди | 89,7 г/л | 6,94 млн/мкл | 6,98 г/л | 1,85 Ммоль/л | 11,85 Мкмоль/л | 0,31 Мед/мл | 0,69 Мед/мл | 9,49 Бод. бирл. | 2,16 Ммоль/л | 0,83 Ммоль/л | 6,23 Мкмоль/л | 2,62 Ед/час/мл |
| Эркак тўхли | 100% ўртачадан паст | 81,4 | 26,8 | 2,2 | 60 % оқарган | Ўзгармаган | Кузатилмади | 82,4 г/л | 8,14 млн/мкл | 6,26 г/л | 1,42 Ммоль/л | 15,7 Мкмоль/л | 0,38 Мед/мл | 0,88 мед/мл | 13,04 бод. бирл. | 2,47 Ммоль/л | 0,987 ммоль/л | 6,1 Мкмоль/л | 3,54 Ед/час/мл |

кўплиги) фарқ қилаётганлиги, ферментлар фаоллигининг эса хали унча ўзгармаганлиги аниқланди.

Хулоса. 1. Сурувда ориқ хайвонлар салмоғининг кўплиги, асосий энергетик ҳамда пластик омиллар ҳисобланувчи глюкоза ва аорганик фосфор микдорларининг меъёрий кўрсаткичлардан анча паст эканлиги, шунингдек, жигар соҳасининг оғриқ сезиши ва юракда аритмия қайд этилиши кузатиладиган хайвонларнинг мавжудлик ҳолларини қишлоқ даврининг оғир кечаётганлиги ва яйловларда ем-хашакнинг жуда камлиги боис хайвон организмда модда алмашинуви бузилишларининг ривожланаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

2. Диспансерлаш натижалари ҳамда яйловларда табиий ем-хашак захираларининг танқислигини эътиборга олган ҳолда қишлоқнинг илк ойи учун яйлов ҳамда ғарам озукасига кўшимча равишда тумандаги ҳар бош совлиқ учун кунига 0,5 кг дағал озиқа, 0,5 кг омихта ем, 5,0 г ош тузи ва 5,0 г монокальцийфосфат (тўхлилар учун, мос ҳолда, 0,3 кг, 0,3 кг, 3,0 г ва 3,0 г) бериш тавсия этилади.

3. Дағал хашакларни хашак майдалагичдан ўтказиб, уларни майда сомон билан 1:1 нисбатда ва керакли микдорлардаги омихта ем билан аралаш-

тирдан кейин махсус металл охур ёки ваннада 1-1,5 соат давомида қайноқ сув ёрдамида буғлатиш (запарка қилиш), хайвонга бериш олдидан унга ош тузи ва монокальцийфосфатни кўшиб, яна бир марта аралаштириш озукаларнинг ҳазмланиш даражасини янада оширади, ортиқча исрофгарчиликларнинг олдини олади, хайвонлар организмдаги атрофик ва дистрофик ўзгаришларни бартараф этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бакиров Б. Хайвонларнинг ички юкумсиз касалликлари. Ўқув қўлланма. 2015. 415 б.

2. Бакиров Б., Норбоев Қ.Н., Бердияров А.С., Рўзикулов Н.Б. Бўғоз совлиқларда оксил-углевод алмашинуви бузилишларини аниқлаш, даволаш ва уларнинг олдини олиш бўйича Тавсиялар. ЎзР Давлат Ветеринария Бош бошқармаси. – Тошкент. 2010. 16 б.

3. Бакиров Б. Метод получения и применения белково-витаминно-минеральной добавки Ультракетост. Свидетельство (Автор.свид.) о депонировании объектов интеллектуальной собственности. Регистрационный № 2176.

Орадан неча юз йиллар ўтса ҳамки, дунёда шарқ, хусусан, Хитойда вужудга келган фалсафий билимларга бўлган қизиқиш асло сўнгани йўқ, аксинча кучайиб бормоқда. Шу сабаб куйида маишур донишманднинг ибратли сўзларидан намуналар келтирдик.

КОНФУЦИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Агар сен халқингни бир йил боқмоқчи бўлсанг, буғдой эк, ўн йил боқмоқчи бўлсанг, дарахт эк, агар асрлар давомида боқмоқчи бўлсанг, билим, илм эк.

Ҳақиқий билим – кимнингдир билимсизлигидан сақланмоқдир.

Моддиётнинг ортида эзгулик ниш урмоғи учун беш нарса кифоя: кўнгил кенлиги, самимият, шиддат, яхшилик ва жиддийлик.

Файласуф Конфуций ҳақида шундай ҳикматли ҳикоят бор: у ёшлигида балиқчининг олдида борибди. Балиқчи унга тутган балиғидан тутказибди. Шунда бола Конфуций балиқчига қараб: “Менга ёрдам бермоқчи бўлсангиз, балиқ берманг, балки балиқ тутишни ўргатинг. Шунда мен бу хунара билан оиламни боқаман, ундан

ортса, кўшниларибга, ундан ҳам ортса, сизга берман”, деган экан.

Донишманд Конфуций ўз тажрибасидан келиб чиқиб умр йўллари куйидагича тақсимлаш кераклигини айтиб кетган:

15 ёш – билим ва таълим олишга интилиш;

30 ёш – мустақил бўлиш;

40 ёш – қатъий ишонч ва дунёқарашга эга бўлиш;

50 ёш – ўзини инсон сифатида англаш ва Само унинг олдида қандай мақсадлар қўйганини тушуниб етиш;

60 ёш – инсонлар қалби ва тафаккурини ўқиш лаёқатига эга бўлиш, шунда ҳеч ким сени алдай олмайди;

70 ёш – Борлиқ уйғунлигини тушуниш, Само юборган кадрятларга риоя этиш.

**М. Раҳматова,
Б. Зарипов**

УДК: 637.56:614.3

Ф.Б.Ибрагимов, А.М.Шеркулов, СамВМИ,
М.М.Алламурова,

Самарқанд вилояти ҳайвонлар касалликлари таъхиси ва
озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази

БАЛИҚ УНИНИНГ ВЕТЕРИНАРИЯ-САНИТАРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Аннотация.

В статье приведён порядок проведения ветеринарно-санитарной экспертизы рыбной муки.

Калит сўзлар: балиқ уни, балиқ хом ашёси, қўшимча озиқалар, примекслар, гидробионтлар, микронутриентлар, гранулалар.

Балиқ уни қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандалар рационини протеин ва минерал моддалар билан тўлдириш ва ҳайвонлар маҳсулдорлигини ошириш ҳамда озуқалар (дуккакли ўсимликлар дони) сарфини камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли балиқ маҳсулотларини қайта ишлашдан олинadиган балиқ унини ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларни соғлом сақлаш, улардан олинadиган маҳсулотлар миқдори ва сифатини ошириш ҳамда турли эпизоотияларнинг олдини олишда долзарб аҳамият касб этади.

БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (ФАО) маълумотларига кўра жаҳонда балиқ унига бўлган йиллик талаб 8,5 млн тоннани ташкил этади.

Балиқчилик маҳсулотларини қайта ишлашдан олинadиган чорва озуқаси ишлаб чиқариш учун турли хил хом ашёлар: майда балиқлар, майда қисқичбақасимонлар, балиқ хом ашёсини қайта ишлаш чиқиндилари; балиқнинг кам истеъмол қилинадиган ва озуқавий қиймати паст қисми, балиқни бўлаклардан қолган қисми, паст навли хом ашё ва бошқалардан фойдаланиш техник маҳсулотлар, айниқса, балиқ уни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш имконини беради.

Балиқ хом-ашёсидан олинadиган озуқавий маҳсулотлар классификацияси схемада мужассамлаштирилган.

Summary.

The article provides the procedure of veterinary- sanitary expertise on fish flour.

Озуқабоп балиқ унини ишлаб чиқаришда асосан: қуритиш, пресли-қуритиш, экстракцион, центрифугали-қуритиш ва уларнинг модификацияланган усулларидадан фойдаланилади.

Балиқ хом ашёси алоҳида қисмларининг кимёвий таркиби 1-жадвалда қайд этилган.

1-жадвал.

Балиқ хом ашёси алоҳида қисмларининг кимёвий таркиби

(В.М Позняковский ва б. маълумоти, 2005 й)

| Балиқнинг анатомик қисмлари | Сув | Азотли моддалар | Липидлар | Минерал моддалар |
|-----------------------------|------|-----------------|----------|------------------|
| Гўшт | 80.8 | 17.7 | 0.3 | 1.2 |
| Тери | 69.2 | 27.4 | 0.4 | 3.0 |
| Боши | 79.0 | 14.6 | 0.4 | 6.0 |
| Суяклар | 74.0 | 15.0 | 0.5 | 10.5 |
| Сузгичлар | 73.0 | 15.7 | 1.2 | 8.8 |
| човок | 84.5 | 12.4 | 1.5 | 1.6 |
| Увилдирик | 75.8 | 20.0 | 1.8 | 1.3 |
| Жигар | 27.5 | 5.3 | 65.8 | 0.4 |

Балиқ унининг озуқавий қиймати унинг кимёвий таркиби билан боғлиқ бўлиб, унда протеин 50,0 фоиздан кам бўлмаслиги, сув 12,0 фоиздан кўп бўлмаслиги, ёғлар 10,0 фоиздан кўп бўлмаслиги лозим.

Балиқ хом ашёсидан олинadиган озуқавий маҳсулотлар классификацияси



2-жадвал.

Балиқ унининг сифат кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар | Тавсифи ва меъёри |
|--|--|
| Уннинг ташки кўриниши: Сочма | Зич бўлмаган (босилганда бузилмайдиган) гувалача, моғорламаган. Майда то-лалари таркибга рухсат бериллади. |
| Гранулалари | Диаметри 15 мм, узунлиги диаметрдан икки баробардан кўп бўлмаган цилиндрик гранулалар. 5 %дан кўп бўлмаган миқдордаги гранула ушқоқларнинг 2 мм ўлчамли элак тешикларидан ўтишига йўл қўйиллади. |
| Ҳиди | Уннинг мазкур турига хос, димикқан, моғорлаган ва бошқа ёт хидлардан холи. |
| Тегирмонда тортилган балиқ унининг йириклиги | Сочма ун 5 мм тешикли элақдан тўлиқ эланиши лозим. Ун 3.2 мм тешикли элақда эланганда элақда 5 %дан кўп бўлмаган қолдиқ қолишга йўл қўйиллади. |
| Балиқ унидаги оммавий намликнинг улуши: Сочма | 10.0 |
| Гранулалари | 13.0 |
| Балиқ унидаги ёғнинг оммавий улуши, % кўп эмас | 14-18.0 |
| Балиқ унидаги хом протеиннинг оммавий улуши, % кам эмас | 50.0 |
| Фосфорнинг оммавий улуши, % кўп эмас | 5.5 |
| Натрий хлорнинг оммавий улуши, % кўп эмас | 5.0 |
| Кальцийнинг оммавий улуши, % кўп эмас | 13.0 |
| Металл-магнитли аралашмалар 2мм мг/кг кўп эмас | 100.0 аралашма |
| Антиокислителларнинг оммавий улуши, % ағидол (иокол) кўп эмас | 0.1 |
| Карбамид | 0.12-0.3 |
| Ёт аралашмалар мавжудлиги | Рухсат этилмайди |
| Сулфат кислотада эрмайдиган Кулнинг оммавий улуши, % кўп эмас | 1.0 |
| Патоген микрофлоралари | Рухсат этилмайди |
| Кислоталик сони, мг КОН 1 граммда, кўп эмас | 55.0 |
| Пестицидлар, мг/кг кўп эмас гексохлорциклогексан | 0.2 |
| DDT унинг метаболитлари | 0.4 |
| Токсик элементлар мг/кг, кўп эмас | |
| Кўргошин | 5.0 |
| Кадмий | 0.3 |
| Симоб | 0.5 |
| Мис | 80.0 |
| Рух | 100.0 |
| Маргимуш | 2.0 |

Изоҳ: Радионуклеидлар (цезий-134, цезий-137, стронций-90) миқдори озукабон балиқ унида МДХ ҳудудидида белгиланган даражадан ошмаслиги лозим.

Балиқ унини сақлашда липидларнинг оксидланиши, витаминлар миқдорининг камайиши ҳамда ҳавонинг нисбий намлигига боғлиқ ҳолда сув миқдорининг пасайиши кузатилади. Сақлашда нисбий намлик юқори бўлганда ун намликни ютиб олади, паст бўлганда қурийд. Шу сабабли балиқ унини сақлаш муддати, ҳавонинг нисбий намлиги 60-70%, аммо 75%дан кўп бўлмаган ҳолатда 12 ой-дан кўп бўлмаслиги керак.

Балиқ унининг сифати ГОСТ 2116-2000 “Балиқ, денгиз сут эмизувчилари, қисқичбақасимонлар ва умуртқасизларнинг озукабон уни” талаблари асосида аниқланади ва мазкур меъёрий ҳужжатга биноан балиқ уни навларга бўлинмайди (2-жадвал).

Балиқ уни тайёрлашда ёки хориждан келтири-лаётган балиқ унини харид қилишда балиқ унининг сифат кўрсаткичлари асосида ветеринария-сани-тария кўригидан ўтказиш чорвачиликни жадал ри-вожлантириш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса. Гидробионтлар организми таркибидаги айрим микронутриентларнинг миқдори қуруқликда яшовчи ҳайвонлар ва ўсимликлар организми тарки-бидаги микронутриентлардан бир неча бор кўпроқ бўлиши, балиқ хом ашёсидан махсус йўналишдаги озук маҳсулотлари, шу жумладан, озук рационига қўшилидиган биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқиш имкониятини беради. Балиқ уни маҳсулотини ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказиш, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандалари раци-онини биологик фаол моддалар (протеин, минерал моддалар) билан бойитиш ва аҳоли истеъмол учун экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда муҳим аҳамият касб эта-ди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Позняковский В.М., Рязанова О.А., Каленик Т.К., Дацун В.М. Экспертиза рыбы, рыбопродуктов и нерыбных объектов водного промысла. Качество и безопасность. Сибирское университетское издательство. Новосибирск. 2005.-306 с.

2. Ибрагимов Ф.Б., Шеркулов А.М. Балиқ маҳсулотларини оргонолептик усулда назорат-дан ўтказиш. “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳаси самарадорлигини оширишда ил-мий тадқиқот институтлари ва олий таълим муас-сасаларининг ролини оширишнинг долзарб маса-лалари” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами 2-китоб. Тошкент 2018.-9-116.

УДК:616.155.194.

А.Б.Собиров, талаба, Б.Ф.Ўлмасов, илмий раҳбар, ТошДАУ

АНЕМИЯ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Аннотация

В этой статье рассматриваются происхождение, симптомы, осложнения и профилактика анемии, одной из самых распространенных заболеваний у животных.

Калит сўзлар: гемоглобин, эритроцит, темир, бўғозлик, тери, шиллиқ қават, жун, ич қотиши, бузоқ, озуқа.

Анемия (юнонча an-инкор, haima-қон) кам қон деган маънони билдиради. Камқонлик касаллиги айниқса, урғочи чорва ҳайвонларида энг кўп тарқалган касалликлардан биридир ва унинг турли патологик ҳолатлари бўлиб, бунда қон таркибида гемоглобин миқдорининг, кўп ҳолларда эритроцитлар сонининг камайиб кетиши қайд этилади. Анемия қайсидир касалликнинг белгилари сифатида намоён бўлади, яъни у иккиламчи касаллик сифатида ҳам намоён бўлади. Анемия касаллиги ҳайвон ҳаётининг барча даврларида нафақат турли касалликларда, балки айрим физиологик ҳолатларда, яъни бўғозлик даврида, организмнинг ўсиши ва сут бериш даврларида ҳам кўп кузатилади. Анемиянинг ривожланиши урғочи ҳайвонларда асосан туғруқдан кейин юзага чиқадиган касалликдир.

Келиб чиқиши. Акушерлик ва гинекология соҳасидаги энг катта муаммолардан бири анемия касаллиги бўлиб, касалликларнинг қарийб 90 %и айнан шу касаллик билан қайд этилади. Улар ичида темир танқислиги камқонлиги (ТТК) жуда кенг тарқалган бўлиб, у ҳар 10 бош бўғоз сигирдан 5-6 бошида учрайди. У нафақат бўғоз сигир саломатлигига ҳамда ҳомила ва туғиладиган бузоқ саломатлиги учун ҳам ўта ҳафлидир. ТТК организмда темир моддасининг етишмаслиги билан боғлиқ. Темирнинг етишмаслиги эса организмда дастлаб бир қанча трофик бузилишларга, яъни терининг қуриши, оқариши, жун ёки тукнинг тўкилиб кетиши, тери эластиклигининг йўқолиши каби ҳолатлар билан намоён бўлади. Бунда темир сақловчи тўқима нафас ферментлари фаолияти ёмонлашади, кейин гемоглобин ҳосил бўлиши бузилади ва гипохром анемия ривожланади. Анемия касаллигининг кейинги даврларида намоён бўладиган белгилари иштаҳанинг йўқолиши ёки пасайиши, умумий қувватсизлик ва кучдан қолиш, кўз ички шиллиқ қаватининг оқариши, ич қотиши, кохексия, нафас олишнинг пасайиши, юрак уришининг ёмонлашиши ва маҳсулдорлик тушиб кетиши каби ҳолатлар билан намоён бўлади. Анемиянинг ушбу тури гемоглобин ва эритроцитлар миқдорининг камайиб кетиши, рангли кўрсаткичнинг 0.8-0.9 дан пастлиги, эритроцит шакл ва ўлчамларининг (анизозитоз, пойкилоцитоз) ўзгариши, қон зардобда темир миқдорининг камайиб кетиши, зар-

Summary

This article discusses the origin, symptoms, complications and prevention of anemia, one of the most common diseases in animals.



добнинг ферритин ва оксиллар билан боғланиш қобилятлари билан характерланади. Бу касаллик озиклантиришнинг бузилиши ёки сифатсиз, дағал озуқалар билан озиклантириш, ногўғри сақлаш натижасида келиб чиқиши мумкин.

Даволаш ва олдини олиш. Анемия касаллигини даволашда биринчи навбатда озуқа сифатини яхшилаш, рационда ширали, концентрацияли озуқалар бўлиши талаб этилади. Бундан ташқари “Ферран”, “Бутафан”, “Цианокобаламин” каби препаратлардан кунига 10 мл дан м/и кунига 1 маҳал 7-10 кун инъекция қилинади.

Оқибати. Касаллик ўз вақтида даволанмаса, иммунитетнинг тушиб кетиши ва бошқа юқумли касалликлар билан касалланиш хавфи ортади. Бўғоз ҳайвонларда ётиб қолиш, туғруқнинг оғир ўтиши, туғруқдан кейинги фалажлик, гипокальцемия, тери касалликлари билан ҳам касалланиши мумкин. Анемия касаллиги билан касалланган бўғоз сигирдан туғилган бузоқларда кўпроқ ошқозон-ичак ва нафас олиш касалликлари билан касалланиш кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ж. Шопўлатов. Ветеринария асослари. – Тошкент: “Меҳнат”, 1993.
2. Р.Х.Хайтов, Д.Э.Эшимов. Ҳайвонлар патологик анотомияси. – Тошкент: “Илм зиё”, 2013.
3. М.Б.Сафаров, М.М.Сафаров Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг ички юқумсиз касалликлари. – Тошкент: “Илм зиё”, 2013.
4. Қ.Х.Норбоев, Б.Б.Бакиров. Б.М.Эшбўриев. Ҳайвонларнинг ички юқумсиз касалликлари. – Самарқанд, 2007. –Б. 214-226

Шахримизга ҳали қирдан лола келмаган эди.

Кексалар тўксон чикди-ю, оппон-соппон ҳали турибди. Битта қор ўтсин, ундан кейин ҳамал киради, дейишарди.

Аммо Чилонзор томонда турадиган бир темирйўлчи жувон очиқ машинада бир даста лола кўтариб ўтди.

Ҳаммининг кўзи унинг қўлидаги лолада. Ўтган ҳам, кетган ҳам қарайди. Машин тез юрганидан шамол лолани шундай ҳилпиратадики, офтобда у худди лов-лов ёнаётганга ўхшайди.

Шу пайт шамол лоланинг биттасини юлқиб олди-да, кўча ўртасига улоқтирди.

Машиналар қатта тезлик билан бири кетидан бири учиб бормоқда. Шофёрлар лолага етай деганда руль буриб унинг ёнидан айланиб ўтиб кетишади.

Мана шу аҳволда кун чошгоҳ бўлди. Лола ҳали ҳам кўча ўртасида чўғдек ёниб турибди. Машиналар ҳамон унинг ёнидан айланиб ўтиб кетишяпти.

Йўловчилар юракларини ҳовучлаб ишқилиб машина босиб, эзғилаб кетмасин-да, деб ташвиш қилишади. Охири кўчани тартибга солиб турган милиционер чидамади. Кўча ўртасига тушди.

Машиналар бири кетидан бири тормоз бериб тўхташди.


Постовой охиста бориб лолани олдида, фуражкеси тагидан чаккасига кистириб қўйди.

Машиналар ғиз-ғиз ўтиб турибди. Шофёрлар, йўловчилар чоррахага келганда машина деразасидан бош чиқариб, милиционер чаккасидаги лолага қарашади. Уларнинг юзида бир чиройли табассум порлайди.

Шу куни лола очилганини бутун шаҳар билди.

Одамлар дилига бу йил баҳор вақтлироқ киргандек бўлди.

ТАНСИҚ



Саид Аҳмад. Кичик ҳикоялар

Театр майдонидаги саҳн баҳор кезлари жуда гавжум бўлади.

Қари-қартаг, ёш-яланг скамейкаларга ўтириб олиб ўзларини офтобга товлашади. Кампирлар аравачаларда невараларини олиб келиб, ўзлари кўзойнак устидан газетани ялагудек қилиб ўқишади.

Мен ҳам бўш пайтларимда шу ерда ҳордиқ чиқаришни жуда яхши кўраман.

Бир кун киоскадан газета олиб ўкиб ўтирган эдим, ёнимда ҳассасини скамейкага тираб бир хотин ўтирарди. Унинг олдидаги ҳаворанг аравачада невараси ипи тугмасига боғлаб қўйилган қизил шарни ушлаволоммай кийқиради. Кампир унга бепарво, ўтган-кетганларни томоша қилади.

– Неварами? – дедим. Кампир ўгирилиб қаради.

– Йўқ, айланай, чевара. Чевара ширин бўларкан. Онаси ёш. Дадасининг ўзи бола. Ўзим оёққа турғизиб бермасам эплашолармиди.

– Ҳали юрмайдими?

– Юриш қаёқда айланай. Энди той-той турапти.

Биламан, болалар жуда айёр бўлишади. Кўтарадиган одамни топишса сира ерга оёқ қўйишмайди. Бу бола ҳам шунақа қилаётгандир. Кампирнинг меҳрибонлигидан фойдаланаётгандир.

– Юриб ҳам кетарди, киш пайтида бола юришга эринади. Мана, офтоб одамнинг елкасини қиздириб қолди. Энди юриб кетар.

Кампир шундай деб болани аравачадан олди. Икки

қўлтиғидан ушлаб ерга қўйди. Бола аввалига тиззасини букиб тихирлик қилиб турди-да, кейин икки оёғини ерга тиради.

– Қани, амакигларга битта той-той туриб бергин.

Кампир уни қўйиб юборди. Бола худди ҳавода муаллақ қолгандек омонат туриб қолди, кейин бирдан олдинга шўнғиб кетди. Шу шўнғиганда ўнг оёғини кўтариб ташлади. Йиқилмади. Кейин яна бир марта шундай

Бир умр...

қилдию, маст одамдек гандираклаб юриб кетди. Тўрт-беш омонат қадам ташлаб орқаси билан ўтириб қолди. Кампир югуриб бориб уни кўтарди. Бола энди аравага ўтиргиси келмай, ерга тушишга ҳархаша қилаверди. Кампир уни ерга қўйишга мажбур бўлди.

Шу алпозда бола уч-тўрт марта юришга интилди. Охири пилдираб беш-олти қадам босадиган бўлиб қолди. Кампир хурсанд.

Уларга қараб туриб, ўйлаб кетибман.

Боланинг оёғи ерга тегди. Биринчи қадами бошланди.

Эҳ-хе, бу одам ҳали ҳаётда қанчадан қанча ерларни шу оёқ билан босиб ўтади. Умр бўйи...

«Ziyo.uz» сайтидан олинди